

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ КАФЕДРАСИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВАЙИ ИШ

**МАВЗУ: ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ - «ТЎРТИНЧИ
ҲОКИМИЯТ» СИФАТИДА**

ВАЛИЕВА ШОҲИСТА

ГУЛИСТОН 2017

РЕЖА:

КИРИШ

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

- 1.1. Жамиятни демократиялаштиришда оммавий ахборот воситалари
ролининг ортиб бориши
- 1.2. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг шаклланиш ва
ривожланиш тарихидан

II-БОБ. ОАВ -НИНГ “ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ” СИФАТИДА СИЁСИЙ ҲАЁТ ВА МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

- 2.1. Матбуот ва сиёсатшунослик
- 2.1. Матбуот ва миллий барқарорлик

Хулоса

Тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Оммавий ахборот воситалари - ҳуқуқий маконда тегишли қонунлар доирасида фаолият кўрсатиб, биринчи галда, унинг халқ манфаатларига хизмат қилиши ҳаётий заруратга айланди. Зеро, демократик ҳуқуқий жамиятда ОАВлари ўрнини ҳуқуқат эмас, балки аудитория ва ўқувчилар доираси белгилайди. Шунинг учун республикамизда эркин ОАВларини шакллантириш, уларнинг жаҳон андозалари ва демократия талабларига мос ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш муаммоси кун таркибидаги долзарб масалага айланди. 1991 йил 14 июнда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги биринчи қонун қабул қилинди. 1997 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги янги қонун амалга оширилгач, мазкур қонун ўз кучини йўқотди¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида журналистлар жамоаларининг янги тарихий шароитдаги ҳуқуқий ҳолати асослаб берилди: “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва у қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар”. Бу ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ўнлаб қонунлари журналистларнинг ҳуқуқий доирасини кенгайтди. Шу билан бир қаторда, журналистлар зиммасига бурч ва мажбуриятлар ҳам юкладди, улар бу маъсулиятни ҳамиша ҳис қилиб фаолият кўрсатмоғи лозим.

Дарҳақиқат, асосий қонунимизда ОАВларига алоҳида бобнинг ажратилиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, конституция мўътабар ҳужжатдир. Унга сўзсиз амал қилмоқ, итоат этмоқ ҳар бир фуқаронинг бурчи. Журналист гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисани ўз билганича тасвирлайди. Албатта, қонунлар доирасида. Бу эса, ўз навбатида, зинҳор ОАВ ёки журналистнинг эркинлигига путур етказмаслиги керак.

Ўзбекистон журналистикаси миллий истиқлол туфайли ўз тарихида илк бор демократик тараққиёт учун зарур бўлган ҳуқуқий-сиёсий асосга эришди. Бу асос эркин жамият шароитидаги журналистика ривожининг муҳим гаровидир. Президент И.А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида сўз ва матбуот эркинлигини жамиятни ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги тўртинчи, энг муҳим устивор йўналиш сифатида тилга олдилар. Маърузада таъкидлаганидек, “Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши керак”¹.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айланиши учун тўртта муҳим ҳуқуқий асос бўлиши керак:

¹ Халқ сўзи. 1997 йил 27 декабрь

¹ www.press-service.uz

-демократик ва мустақкам конституциявий кафолат ҳамда унинг амалга оширилиши;

-демократик қонунлар ва ҳуқуқий меъёрлар (шу жумладан, ОАВлари иқтисодий эркинлигининг ҳуқуқий кафолати) ҳамда уларнинг амалда ишлаши;

-сиёсий эркинлик шарт-шароитлари, яъни давлат ҳокимиятининг ОАВлари ишига аралашувининг тадқиқи ҳамда ОАВларининг ҳукуматни танқид қилиш ҳуқуқи;

-ниҳоят энг сўнги, лекин энг муҳим асос-мустақил суд ҳокимияти.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Улар ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва ролини ўрганиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур битирув-малакавий ишда оммавий ахборот воситаларининг “тўртинчи ҳокимият” эканлигини кўрсатишни мақсад қилиб, қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

- жамиятни демократиялаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ролининг ортиб боришини Президент ва ҳукумат қарорлари ва қонунларида акс этганлигини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихидаги асосий босқичларни қисқача баён қилиш;

- мамлакатимиз матбуотининг сиёсий ҳаётдаги ўрнини очиб бериш;

- миллий барқарорликни таъминлашда ОАВ ларнинг ўрни ва ролига баҳо бериш.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар. БМИ ёзишда сўнги йилларда яратилган адабиётлар ва матбуотда босилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда бугунги кунда Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият қуриш жараёнида муҳим ўрин эгаллаётгани кўрсатиб берилди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг ривожланиш тарихи, хусусан Туркистон матбуотининг XX аср 1 ярмида вужудга келиши, журналистика, радио, телевидениенинг ривожланиши Н.Абдуазизова, В.Абдуллаев, Х.Ёдгоров, А.Каримов, Б.Рихсиев, Т.Эрназаровлар томонидан ўрганилган ва рисолалар чоп этилган.¹ Жумладан, Н.А.Абдуазизованинг “Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари рисоласида” Ўзбекистондаги газета ва журналлар тарихи, радио эшиттириш ва телевидение кўрсатувларининг йқлга ҳқйилиши, ахборот агентликлари, интернет, жаҳон коммуникациясига уланиш ҳақидаги маълумотлар жамланган. Яна унинг “Туркистон матбуоти тарихи” номли рисоласида XX аср бошларида Туркистонда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан таъсис этилган

¹ Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. Т., “Академия”, 2000; Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистика тарихи. Т., “Академия”, 2002; Абдуазизова Н.А. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари – Т.:Академия, 2003; Абдуллаев В. Нурли манзил. Т., 1995; Ёдгоров Х. Нурли йўл. Т., 1968; Каримов А. Ўзбекистонда телевидение. Т., 1964; Рихсиев Б. Тўлкинлар қанотида. Т., 1967; Эрназаров Т.. Ўзбекистонда вақтли матбуот. Т., 1954.

вақтли матбуот, жаидлар матбуоти хусусида фикр юритилган. А.Каримов ўз рисоласида Ўзбекистонда телевидениенинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақида сўз юритса, Б.Рихсиев радио ҳақида ёзади.

Жамиятимизни демократиялаштиришда оммавий ахборот воситаларининг “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги ўрни “Ўзбекистоннинг янги тарихи”да очиб берилган.¹ ОАВ ларнинг халқимиз маънавиятини, миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқатини, ватанпарварлик ҳислатларини тарбиялашдаги аҳамияти бир қатор мақолаларда очиб берилган бўлиб, улар “Ижтимоий фикр”, “Жамият ва бошқарув” каби журналларда, “Халқ сўзи”, “Туркистон” каби газеталарда босилган мақолалар мисолида кўриб чиқилади.² Мавзуга доир материаллар халқаро алоҳа тармоғи – Интернетнинг www.press-service.uz ; www.uza.uz ; www.rubricon.ru каби сайтларида ҳам учрайди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан “Ўзбекистон тарихи”, “Сиёсатшунослик”, “ЎДЖҚНА” каби фанларни ўрганиш ва ўқитишда, турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. БМИ Кириш, 2-та боб, Хулоса, Тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Т.:Шарк, 2000.

² Матбуотнинг ёшлар тарбиясига таъсири // Жамият ва бошқарув. 2003. №1; Норматов М. Энг сўнгги иқдор. // Халқ сўзи. 2001. 31 март; Саидов Акмал. Инсон ҳуқуқлари ва оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик фикри.// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2002. №3; Султонов Т. Истиқлол умидлари ва матбуот // Жамият ва бошқарув. 2004. №1 ва б.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

1.1. ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ РОЛИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари қаторида оммавий ахборот воситаларига ҳам янги муносабат вужудга келди. Бунинг боиси шунда эдики, Ўзбекистонда қурилаётган ўзига хос, ўзига мос янги жамият оммавий ахборот воситалари олдида янги вазифалар қўймоқда эди.

Булар янги жамиятнинг моҳияти, юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмуни ҳақида оммага тўлиқроқ тушунча бериш, истиқлодек муқаддас неъматнинг оламшумул аҳамиятини адолатли ва демократик жамият қуриш ҳамда унинг равнақи учун камарбаста бўлиш зарурлигини ҳар бир фуқаро онгига етказишдан иборат эди. Янгиланаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий жараёнларни ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирок этишга даъват қилиш, уларни оммавий сафарбарликка чорлаш даркор эди.

Мустақилликнинг миллий қадрият сифатида эъзозланиши, уни янгидан-янги мазмун билан бойитиш учун кенг жамоатчилик фикрини уйғотиш туб ислохотлар самарасини оширишнинг етакчи омилларидан биридир.

Маълумки, матбуот ҳамма вақт ривожланишнинг ҳар бир босқичида ўзи яшаб турган жамиятнинг манфаати учун хизмат қилган, унинг мақсад ва интилишларини тарғиб қилган, йўқлаб чиққан. Зотан ҳақиқий халқчил матбуотнинг вазифаси ана шундан иборат бўлмоғи керак. Афсуски, шўролар тузуми даврида матбуот яккаю-ягона коммунистик мафкура ғояларини тарғиб қилган, унинг раҳномолари йўл-йўриқлари асосида иш тутган, улар топшириғини бажарган.

Халқ оғзаки матбуот деб аталган оммавий ахборот воситалари амалда “Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси” деб бонг урилган коммунистик партиянинг хизматкорларига айтилган эди. У қизил империянинг суянган тоғи, тоталитар тузум манфаатларини ҳимоя қиладиган ғоявий қуролга айланган эди. Табиийки, бу ҳолат омма билан матбуот ўртасида номуносибликни вужудга келтирди¹.

Аслида матбуот омма фикрини ўзида ифода этиши, шу асосда ўз саҳифаларида халқ хоҳиш-иродасини умумхалқ манфаатини ва умумжамият истиқболини ифодалаши лозим. Шундагина унинг обрў-эътибори ошиб, жамият олдидаги, халқ олдидаги бурчини ҳолисона адо этиши, эркин матбуотга айланиши мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг айтиш мумкинки, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ўзига хослик пайдо бўла бошлади. Энди газеталар, журналлар, радио эшиттириш ва телекўрсатувларда бевосита

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Т.:Шарқ, 2000. 212-б

республиканинг мустақиллигига бағишланган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-маърифий ҳамиятга эга бўлган мавзуларга кенг ўрин бериладиган бўлди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари эндиликда хорижий мамлакатларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни, янгиликларни, ўша мамлакатлар ёки йирик ахборот агентликларидан бевосита, тўғридан-тўғри қабул қилиб олиш имкониятларига эга бўлдилар.

Айниқса 1996 йилнинг май ойидан бошлаб республикамизнинг Америка Қўшма Штатларида жойлашган жаҳондаги йирик компьютер тизими “Интернет” билан алоқа ўрнатиб, ундан энг муҳим янгиликларни қабул қилиб олишнинг йўлга қўйилгани Ўзбекистон ахборот воситалари тарихида улкан янгилик бўлди.

“Интернет”нинг 50 миллион абоненти бўлиб жаҳондаги энг йирик ахборот марказлари унга аъзо бўлишган. У бутун дунё бўйича турли соҳалардаги янгиликларни қабул қилиб олади ҳамда ана шу янгиликларни ўз абонентларига тез ва аниқ етказиб беради.

Ўз навбатида республикамиз ҳақидаги муҳим янгилик ва ахборотлар ҳам мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий ахборот агентликлари вакиллари ва мухбирлари томонидан ўша мамлакатлар ахборот воситалари учун бевосита етказиб берилмоқда. Ахборот алмашинуви, дунё воқеаларидан хабардорлик, ёки аксинча, дунё саҳнасига чиқиш, ўзини намоён қилиш имконияти туғилди.

Мустақиллик туфайли газета саҳифалари, радиоэшиттиришлари ва телекўрсатувларида мамлакатнинг қадимий тарихи, ўтмиши, маданияти, шўролар тизими даврида таъқиқлаб қўйилган миллий қаҳрамонларимиз ҳақида, ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатлари, ақидалари тўғрисида қизиқарли мақолаларга кенг ўрин берилди. Ана шунинг ўзи энди мамлакатимизда ҳуррият, ҳурфикрлилик, миллий манфаатларга ва миллий раънаққа йўл очилганидан далолат беради.

Шунингдек, матбуотда ислом маданияти, назарияси, тарихи ва қонунларини тарғиб қилишга кенг йўл берилди. Буюк мутасаввур алломалар Ҳаким ат-Термизий, Имом Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Қубро, Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда бошқа тарихий шахслар, улуғ донишмандлар, хусусан Соҳибқирон Амир Темур ҳақида кенг миқёсли мақолаларнинг бериб борилиши жамиятчиликда кенг қизиқиш уйғотди.

Ислом динининг бой маънавий имкониятларидан фойдаланишга имкон яратилди. Ахлоқий баркамоллик ва руҳий тозалик учун зарур омил сифатида унинг тараққий этишига, кундалик турмуш тарзига кириб боришига кенг йўл берилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон матбуотининг олдинги “қизил яловбардорлик” иллатларидан кутулиб, соғломлашиб, халқчил ва ошкора тус ола бошлаганидан далолат беради. Буни оммавий ахборот воситаларининг демократлашиш сари қадам ташлаётганининг ёрқин далили, дейиш мумкин.

Умуман олганда, истиқлол эркин фикрлашга, ҳар кимнинг ўз фикрини ошкора баён қилишга, ҳурриятга кенг эшик очди. Ҳурфикрлиликни барқарор этишнинг янгидан янги имкониятларини яратди. Жумладан, вақтли матбуот

турлари ва сонлари кўпайди. Демократик эркинлик шароитида бир неча мустақил сиёсий ҳаракатлар, жамоат бирлашмаларининг нашрлари ташкил қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясининг “Ўзбекистон овози” – “Голос Узбекистана”, “Ватан тараққиёти” партиясининг “Ватан”, “Адолат” социал-демократик партиясининг “Адолат”, “Миллий тикланиш” партиясининг “Миллий тикланиш”, Фидокорлар миллий-демократик партиясининг “Фидокор” газетаси, “Халқ бирлиги” ҳаракатининг “Бирлик” газеталари нашр қилина бошланди. Қатор вазирликлар, давлат кўмиталари, уюшма ва концернлар ўз соҳаларига доир нашрлар ташкил этишди. Бундай газета ва журналларнинг чиқиши маълум тармоқ муаммоларини, ўзига хос мураккаблиklarини ўз вақтида ўрганишга ёрдам беради.

Мустақил нашрлар ўз муассислари ғоялари ва дастурлари йўналишлари доирасида мустақил иш олиб борадилар. Ислохотлар ва янгиланишларга ўз муносабатлари, муаммоларга ёндашиш усуллари бор. Бироқ, ягона мақсад-истиклол тақдири, мамлакат ва халқ истиқболи уларни бирлаштириб туради.

Президентимиз оммавий ахборот воситаларининг ролини алоҳида таъкидлаб, - **“Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор.**

Оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга кун сайин чуқурроқ кириб бораёганини ҳозир ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу жараёни табиий ҳол, деб қабул қилмоқдамиз. Бугунги кунда нашрлар сони кўпайибгина қолмасдан-ҳозир 490 та газета ва 138 та журнал рўйхатга олинган-жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида уларнинг аҳамияти ва тутган ўрни ҳам ортиб бормоқда” деган эдилар.¹ Булардан ташқари, ҳозир республикамизда бир қанча телестудия, вилоят, шаҳар ва туманларда радиостудиялар ва 4 та ахборот агентлиги фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар оммавий ахборот воситалари зиммасига бутунлай янги вазифаларни кўя бошлади. Матбуотнинг аҳолида янгича онг ва тафаккурни шакллантиришда таъсирчан қурол бўлишини, кишиларнинг фикр ва хоҳиш-иродасининг эркин, ҳолис ифодачиси, айтиш мумкинки, инсон манфаатларининг изчил ва фаол ҳимоячиси бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Аслида ана шундай бўлмоғи керак. Ҳар қандай матбуот органи энг аввало, халқ манфаати ва мамлакат истиқболини кўзлаши лозим. Ана шунда у миллий қадриятга айланади. Кенг жамоатчилик тан олади. Акс ҳолда у умумманфаат мулкига эмас, бир ҳовуч уюшган худбин шахсларнинг беқадр мулкига айланади, ҳолос.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республика Президенти И. Каримов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини барқарор этишди оммавий ахборот воситаларининг ролини янада оширишни талаб қилмоқда. Президент ҳар бир нутқ ва маърузаларида, албатта, матбуотнинг кундалик ҳаётимиз ва ислохотлар давридаги роли ҳақида, уларнинг кенг имкониятлари тўғрисида тўхталиб ўтади.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999. 390-391-б

Бунинг боиси шундаки, матбуот ва умуман ахборот воситаларининг демократик ривожланишдаги аҳамияти муттасил ортиб бормоқда. Бироқ, демократик жараёнларни чуқурлаштиришда уларнинг роли унчалик ҳам сезилмаяпти, ўзларини “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги имкониятларини тўла кўрсата олмаяптилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати оммавий ахборот воситалари фаолиятига жиддий баҳо берилмоқда.

“Очиғини айтганда бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шакллари эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳифаларида ва телевиденида чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар йўқ, баҳс-мунозара кўринмайди. Айрим оммавий давоат нашрларининг аниқ фуқоролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланади. Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланмоқда”,-деб мамлакат раҳбари катта эътироз билдирди¹.

Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг VI сессиясида оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш масаласи ўртага қўйилди. Олий Мажлис ўзининг VII сессиясида “Ахборот олиш кафолатлари ва ҳуқуқлари”, “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш” сингари қонун лойиҳалари муҳокама қилиниб, биринчи ўқишда қабул қилинди. “Халқ сўзи” газетасининг 1997 йил 13-ва 14-февраль сонларида қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинди. У кенг жамоатчиликнинг янги таклиф ва мулоҳазалари билан тўлдирилиб, 1997 йил 25 апрелда Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинди.

Ушбу қонунларнинг дунёга келиши ва тўла қувват билан амал қилиши бевосита ҳозирги ўзбек миллий давлатчилиги маънавий қиёфасини белгилайди. Бундай қонунлар яратилишининг, депутатлар ва умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинишининг ўзи Ўзбекистоннинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, инсон ҳуқуқлари эркинлиги, озодлиги, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш каби халқаро ҳуқуқ нормаларига изчил амал қилаётганлигидан далолат беради.

Мазкур қонунларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам борки, бу бевосита турмуш тарзимиз ва аҳоли маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳодисадир. Жумладан:

Биринчидан, Қонунда аҳоли ҳамда жамиятнинг холисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш каби ҳаётий талаблар ўз аксини топган.

Иккинчидан, “Ахборот олиш эркинликлари ва кафолатлари” Қонуннинг 2-моддасида ҳар бир фуқорога ахборот олиш кафолатланиши ва давлат томонидан ҳимоя қилинишининг алоҳида такидланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, бундай Қонунлар МДХ давлатларида ҳали қабул қилинмаганлиги, бошқа мамлакатларда, хусусан, демократия нисбатан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.:Ўзбекистон, 1995. 19-б.

ривожланган мамлакатларда эса камдан-кам учрайдиган ҳодиса эканлиги билан ҳам диққатга сазовор¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, демократик жараёнлар анча чуқурлашган, демократик матбуотга эга бўлган ривожланган мамлакатларда сўз ва фикр эркинлиги аста-секин ўз оқими билан кириб келган. Жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, асрлар мобайнида шаклланиб қолган тушунчаларни синдириш, ҳур фикрлиликни турмуш тарзига айлантириш мақсадида ана шундай қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон учун катта сиёсий, маданий, қолаверса, ҳуқуқий воқеяликдир. Айни пайтда у матбуот жаҳон андозаларига мослаштириш, фуқороларни эркин фикрлашга ўргатиш ва шу асосда жамиятни соғлом фикрлар асосида бутунлай қайтадан қуриш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўрсатади.

Қолаверса, худди ана шундай қонунларга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам эҳтиёж катта. Бироқ, уларнинг айримлари бошбошдоқликка айланиб кетган, жиловсиз ваюзаки демократия ишқибозлари бўлса, айримлари ҳали ўзларини йиғиб олиб, хотиржам фикрлаш имкониятига эга эмаслар. Бошқача қилиб айтганда ҳали бунгача етиб келганлари йўқ.

Маънавиятга этибор, сўз ва фикр эркинлигига маънавий мезон сифатида ёндошиш, хурфикрлиликка юксак ахлоқ, комиллик ва маърифатлилик кўзгу сифатида қараш учун энг аввало жамиятда барқарорлик мавжуд бўлиши керак. Фуқороларнинг мақсад ва интилишлари ягона йўлга сафарбар этилиши, улар ўз эртасини ва олис истиқболини аниқ кўра билиши, уни бошқараётган ҳукуматга қатъий ишона олиши даркор. Бундай вазият эса, айтиш мумкинки, собиқ Иттифок таркибидан ажраб чиққан барча мустақил мамлакатлар орасида фақат Ўзбекистонда мавжуд.

Бундай Қонунларнинг қабул қилиниши конкрет шароитдан, мавжуд иштимой-сиёсий жараёнлар оқими натижасида келиб чиққан ҳодиса бўлиб, Ўзбекистонда турли фикрлар ва қарашлар ривожланишининг ўзбекона “моделли” шаклланаётганлигининг белгиси, демократик кадрларнинг Ўзбекистон учун хос бўлган кўрилишларнинг юзага келишидир.

1996 йил 2 августда Олий Мажлис “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”, “Ноширлик фаолияти тўғрисида” қонунлар қабул қилди. Булар мамлакатимизда ихтирочилик ва бадиий ижод муаллифлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга, ноширчилик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Демократиянинг, конституциявий тараққиётни таъминлашнинг, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кадр қимматини ҳимоя қилишнинг ғоят муҳим масаласи сифатида телевидение ва радио эшиттириш тизимини миллий ғоялар асосида қайта шакллантириш, унинг республикада иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳатларнинг амалга оширишдаги таъсирини кучайтириш мақсадида 1996 йил 7 майда “Ўзбекистоннинг иштимой тараққиётида телевидения ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Давлат телевиденияси ва радиоэшиттириш

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Т.:Шарқ, 2000. 215 б.

Қўмитаси Ўзтелерадиокомпанияга айлантириш. Унинг вазифаси қилиб қуйидагилар белгиланди:

Биринчидан, ахборотларнинг мафкурадан мутлақо ҳоли бўлишини назарда тутган ҳолда аҳоли ҳомда жамиятнинг холисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларига эҳтиёжини ўрганиш ва қониқтириш;

Икинчидан, мамлакат аҳолисини, шунингдек, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, мқтисодий ва иштимой-маданий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш ва ҳақозолар.

Айтиш мумкинки, 1996 йилда республикада оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган муҳим амалий чоралар кўрилди. Шу 1996 йилнинг май ойида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ташкил қилинди. Бу оммавий ахборот воситалари вакилларининг мустақил ўз-ўзини бошқарувчи, ҳукуматга қарашли бўлмаган ижтимоий ҳайрия ташкилоти ҳисобланади.

Жамғарма ўзи ишини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалар тўғрисида”ги Қонун, “Ахборот олиш эркинликлари ва кафолатлари”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида ташкил қилади.

Жамғарма ўз фаолиятида қуйидаги вазифаларни бажаради:

-оммавий ахборот воситалари амалий фаолиятида демократик жараёнларни янада ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, журналистлар фаолиятини активлаштириш, газеталар, журналлар, радио ва телевидениенинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида уларга молиявий ёрдам кўрсатиш;

-ижодий фаолиятда демократик таоилларини жорий этиш;

-демократия ва сўз эркинлигининг чинакам институтлари сифатида матбуот органлари роли ва нуфузини кучайтириш;

-журналистларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий ва иждодий ҳуқуқларини, қадр-қимматини, уларнинг давлат ва жамоат органлари олдидаги, оммавий ахборот воситаларининг таъсисчилари ва ноширлари олдидаги манфаатларини ҳимоя қилиш;

-мулкчиликнинг барча шаклларидаги оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш йўли билан Ўзбекистонда эркин демократик ахборот муҳитини вужудга келтириш;

-ғоявий йўналиши турлича бўлган нашрларда, радио ва телевидениеда ишловчи журналистлар ҳамкорлигини таъминлаш;

-оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳар қандай вазиятда ўз фикрларини эркин ифодалаш, ахборотларни қонунлар билан ман этилмаган усулларда тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш;

-оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли давлат идораларига таклифлар киритиш;

-қонунда белгиланган тартибда чет эл оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, республика матбуот вакилларининг касб

маҳоратини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида уларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларини уюштириш.¹

Вазирлар Маҳкамасининг янги жамғарма тузишни қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилган қарорида оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш, уларнинг демократия ва сўз эркинлигининг ҳақиқий минбари сифатидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, матбуот янги тафаккурни шакллантиришнинг таъсирчан воситасига, одамлар фикр ва иродасининг холис ифодачисига айланиши учун уларнинг эркин тайёрланиши ва тарқалишини таъминлаш зарурлиги алоҳида уқтирилади.

Ҳукумат эркин, демократик ахборот манбаларини яшириш мақсадида давлатга қарашли бўлмаган, мустақил нашрлар ва ахборот органлари тармоғини кенгайтириш масаласини кун таркибига қўймоқда.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда демократик жараёнлар изчиллик билан ривожланаётганлигидан далолат беради. Мамлакат иқтисодиёти мустақилликнинг олтирчи йилида барқарор тус олди. Янги жамиятимизни жаҳон андозаларига мос келадиган шаклу шамоили қад ростлади. Энди уни демократик тамоиллар билан мазмунан бойитиш, ғоявий жиҳатдан чуқурлаштириш зарур.

Матбуот чин маънода мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётининг фаол иштирокчиси, янгиликлар жарчиси, эзгу ишлар даъваткори, жамоатчилик фикрининг холис кўзгусига айланишининг ўзига хос шарт-шароитлари ҳам бор, албатта.

Матбуот ва сўз эркинлигини танлаган ҳар бир жамият бошидан кечириши ва амал қилиши муқаррар бўлган талаблар бор. Бу энг аввало ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган маъсулият ҳисси, жавобгарлик туйғуси.

Ҳақиқий эркинлик юксак интизом, қатъий талаб, фукоролик масъулияти ҳисси, қонунлар устиворлигидир.

1996 йил 19 декабрь куни Президент девонида республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси вакиллари қабул қилинди. Унда мамлакат раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон матбуоти олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, мамлакатимиз истиқлоли ва равнақи, миллий ва тафаккурни шакллантириш халқимиз ғурури ва иймон-эътиқодининг қай даражада мустаҳкамлигига ҳар жиҳатдан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек жамиятда бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган бир пайтда маънавийтни мустаҳкамлаш ҳамда маърифатпарварликни кенг тарғиб этиш лозимлиги ва бунда матбуотнинг роли катта экани алоҳида қайд этилди.

Учрашувда **“Инсон озод ва ҳур туғилади ва шундай яшаши лозим,- деди Ислом Каримов.- Бунинг учун эса у ана шу олий неъматни асрай ва ардоқлай билиши керак. Халқимиз руҳан тўла қайта уйғонган тақдирдагина бу кадриятлар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олади”**¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг нашри.Хабарнома. 8 сон. 1996. 61 б.

¹ Каримов И.А. Ҳозирги боскичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари - Т.:Ўзбекистон, 1996. 34-35 б.

Ушбу учрашув чоғида жамғарма фаолиятини янада жонлантириш, унинг “Хуррият” номли янги газетасини нашр этиш, миллий матбуот маркази фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўрилиб чиқилди.

Хуллас, кейинги йилларда мамлакат Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган қатор фармонлар, қарорлар ва фармойишлар, Олий Мажлис қабул қилган Қонунлар оммавий ахборот воситаларининг “тўртинчи ҳокимият” даражасида фаолият кўрсатишига имкон яратмоқда.

Умуман, кейинги 6 йил мобайнида Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва янада кенгайтириш борасида кўрилган чораларни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил сиёсат инсоннинг демократик ҳуқуқини янада кенгайтиришга қаратилди. Бу борада қонун чиқарувчи Олий Мажлисининг роли алоҳида намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақириқ 1-сессиясида (1995 йил 23 февраль) илк бор демократия ҳақидаги илмий-назарий жиҳатдан асосланган ҳаётий жиҳатдан амалий хулосалар ўртага ташланди. Давлат сиёсатининг демократик жараёнларни чуқурлаштиришга доир стратегияси ишлаб чиқилди. Орадан вақт ўтиб кишиларда демократия ҳақидаги тасаввур анча кенгайди. Ҳақиқий демократия-қонунлар диктатураси! Энди биз хурриятга ана шу нуқтаи назардан қарамоғимиз керак. Назариядан амалиётга, орзу-хаёллардан чин ҳақиқатга ўтиш пайти эди. Айтиш мумкинки, мамлакатимизда демократиянинг иккинчи даври бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессияси ана шу янги даврни бошлаб берди ва демократик жараёнларни чуқурлаштириш тамойилларини янги босқичга кўтарди. Буни куйидагиларда кўриш мумкин.

Биринчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида одамлар янгича турмуш тарзига, энг аввало кўникма ҳосил қилишлари керак эди. Ислохатларнинг мазмун-моҳиятини англашлари, мустақил тараққиёт афзалликлари ва беқиёс имкониятларини тушуниб олишлари лозим эди. Бунингсиз ҳеч қандай натижага эришиб бўлмасди. Чунки, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ҳам инсон асосий ҳал қилувчи омил, жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам янгиланишлар энг аввало унинг қалбидан, онги ва тафаккури элагидан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистонда худди иқтисодий ислохатларга бўлгани каби демократияга муносабатда ҳам ана шу тарзда йўл тутилди. Демак, олдин жамият барқарорлигини таъминлаш, одамларни демократик ҳаёт тарзига ўргатиш, уларга демократик тамойилларни тушунтириш, ундан сўнг эса демократик жараёнларни фаоллаштириб, уни жорий этиш қоидаларини ишлаб чиқилди.

Аслини олганда Ўзбекистонда фуқоролик жамиятини барпо этиш йўли танлангандаёқ демократияни жорий этишнинг стратегик дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бироқ, буни эълон қилиш учун ҳали эрта, яъни жамият ҳали бу дастурларни амалга ошириш учун тайёр эмас эди.

Шунинг учун олдин назарий фаолиятга зўр бериш, тафаккурни ва тушунчаларни ўзгартириш йўли билан одамларни ҳам, жамиятни ҳам демократияга тайёрлаш керак эди.

Иккинчидан, жамиятни тубдан янгилаш ва турмушнинг барча соҳаларида, кенг миқёсли ислоҳатларни амалга ошириш ва шу асосда демократик тамойилларни турмуш тарзига айлантириш узоқ давом этадиган узликсиз жараён. Бу кундалик ташвиш билан боғлиқ бўлган ва умуман мамлакат тақдирини белгилайдиган муҳим ҳодиса. Жамиятда демократияни чуқурлаштириш изчилликни тақозо этадиган, собитқадамлик билан турли қаршилиқлар ва тўсиқларни енгиб, эскича қолипларни синдириб ташлаб, янгича тафаккур тарзини жорий қилиш каби мураккаб жараён.

Қолаверса, жамиятни демократлаштириш бевосита иқтисодий ислоҳатлардан тортиб ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий янгиланишларга бевосита таянган воқелиқдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида тақиқланганидек, ”демократиялаш жараёнининг айна ана шу ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий жараёнлари иқтисодий тараққиётдан орқада қолмоқда”. Буни Президент И. Каримов “талай муҳим қонунлар тегишли қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланганлигида, қабул қилишган ҳуқуқий меъёрлар ва кафолатларни рўйбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган”ида кўради¹.

Айна ана шундай қарашнинг ўзи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолияти миқёсини кенгайтиришни, таъсирчанлигини ва иш самарадорлигини оширишни тақозо этади. Ёки аниқроқ қилиб айтганда, улар фаолиятини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бутун бир тизимини яратишга, узоқ муддатли пировард мақсадларни инobatга олган стратегик дастурларни ишлаб чиқишга, уни ҳаётга изчиллик ва собит қадамлик билан жорий этишга ва шу йўл билан одамлар тафаккурида ўзгариш ясаб, жамият маънавий қиёфасини шакллантиришга сафарбар этиш лозимлигини кўрсатади.

Учинчидан, қонун устиоврлигига эришиш, қонун олидида барчанинг тенглигини таъминлаш лозим. Бунинг учун энг аввало ҳуқуқ-тартибот ишларини, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжат актларини халқаро меъёрлар ва андозаларга мослаштириш зарур. Маълумки, айна пайтда жаҳонда мазкур масалага доир етмиш хил андоза мавжуд. Буларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамятида тан олинган тамойиллар ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозир ана шу андозалардан ўн бештасига қўшилганлиги унинг жуда қисқа муддатда демократия турмуш тарзига ва тобора шаклланиб борадиган жонли ҳодиса айлантириш борасида амалга оширган катта ютуғидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва бу соҳадаги нормативларни амалга ошириш устидан назоратни кучайтиришнинг энг замонавий шаклларини вужудга келтириш зарур, деб

¹ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари - Т.:Ўзбекистон, 1996. 39 б.

ҳисодлайди. Жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институт ҳамда ҳуқуқпарвар жамоа ташкилотларининг мавқеи ва мақомини кўтариш, амалдаги қонунчилик Мониторинги институти (1996), Инсон ҳуқуқлари миллий маркази (1996) сингари ташкилотлар ишини ривожлантириш, такомиллаштириш ҳамда бошқа бир қатор институтларни ташкил этиш зарурлигини кўрсатди.

Президент И.Каримов масаланинг худди ана шу жиҳатига алоҳида эътибор берар экан **“Алоҳида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса, инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак”**лигини¹ алоҳида таъкидлади.

Ўз-ўзидан маълумки, бу одамларнинг тафаккурида ўзгариш яшаш, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини чуқурроқ англаб олишига ёрдам бериш, умуман олганди ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий билим савиясини оширишни тақозо этадиган жараён. Зотан, ўз ҳақ-ҳуқуқини аниқ билган, ўзини ҳимоя қилишга қодир шахс жамият олдидаги бурчини ҳам чуқур тушунади. Фуқаронинг ҳуқуқий онги ва сиёсий билими қанчалик юқори бўлса, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик масъулиятини шунчалик чуқур англайди. Ана шундай ҳолатнинг ўзи шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлашган, баркамол маънавий қиёфасини белгилайди.

Тўртинчидан, аҳолининг сиёсий фаоллиги бевосита унинг жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларига қанчалик даҳлдорлиги билан белгиланади. Агар фуқаро сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан фаол бўлса, у ўз-ўзини бошқаришга ва шу орқали жамоа ҳаракатини шакллантиришга, унинг мазмунини шакллантиришга, унинг мазмунини чуқурлаштиришга қодир бўлади. Янгиланаётган жамият аҳолини кундалик юмушлар, турмуш ташвишлари ва ҳар хил икир-чикирлар гирдобидан олиб чиқиш, уни ҳаётга теранроқ ва сергакроқ назар билан қарашга ўргатишни тақозо этмоқда. У ўзини эркин ҳис қилсин, эркин фикрласин, олдин фикрининг тўғрилигига, жамият учун фойдалилигига ишонсин, сўнг уни ҳеч қийналмасдан баён қилсин. Ҳақиқий демократия ана шунда кўринади. Агар ҳар бир фуқаро ҳаётда ўзини ана шундай тутса, ана шундай қобилиятга эга бўлса, демократия ўз-ўзидан жамиятнинг таркибий қисмига айланади, унда мустаҳкам ўрнашиб олади.

Аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш, унинг жамият ривожланишида тутган роли ва мавқеини кўтариш бир жиҳаддан кўппартиявийлиқ тизимини шакллантириш ва унинг фаолиятини шакллантириш ва унинг фаолиятини чуқурлаштириш билан белгиланади. Айни пайтда мамлакатимизда “жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун амал қилмоқда. Ҳозир ана шу қонун

¹ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари - Т.:Ўзбекистон, 1996. 41 б.

доирасида мамлакатимизда туртта партия, битта халқ ҳаракати, касаба уюшмалари, жами икки юздан ортиқ жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Призидент И. Каримов “**жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, валютаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди**”¹, - дейди.

1.2. ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон ОАВ ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва маъсулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда ОАВ га ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллий касб этмаган. Илгари мустабид тузумнинг халқимиз табиатида ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун Ўзбекистон матбуоти энг аввало мустақил мамлакатимиз ва инсонларимизнинг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида ҳолис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур, фидойи ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратни узлуксиз ошириб боришни тақозо этади¹.

XXI аср – ахборот асри, маърифат асри. Бинобарин, янги асрга келиб ҳаёт шу қадар жиддийлашиб кетдики, бу жараённинг қудратли оқимида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти янада ортди. Ҳозир жаҳоннинг у ёки бу бурчагида рўй берган ёхуд содир бўлаётган воқеа-ҳодиса ҳақида газета ва журнал, радио ва телевидение орқали тез фурсатда, ҳатто тўғридан-тўғри ахборотлар олиш имконига эгамиз. Шу боис бугунги кунда беҳисоб оммавий ахборот воситалари томонидан жамиятимиз бетиним янгилик ва хабарлар оқими билан таъминланмоқда. Айниқса, телекоммуникация, ахборот технологиялари соҳасида рўй берган кашфиёт ва ихтиролар, ахборот олиш ва тарқатиш учун кенг имкониятлар очиб берувчи компьютер техникаси, халқаро ахборот алоқа тизими, интернетнинг ҳаётимизга кириб келиши жамиятимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Эндиликда давлат ва жамиятнинг ривожланганлиги ҳамда маданийлашганлиги мамлакатда ахборот технологиялари қай даражада йўлга қўйилганлиги билан белгиланади. Бу мухтасар ҳолда ёритаётган мавзунинг долзарблиги ҳам юқорида тилга олинган жиҳатлар билан бевосита боғлиқдир.

¹ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари - Т.:Ўзбекистон, 1996. 34- б.

¹ www.press-service.uz

Шунга кўра, куйида ахборотларни тарқатувчи, дунёда кечаётган турли-туман жараёнлар, воқеалар ҳақида хабар, янгилик ва маълумот берувчи оммавий ахборот воситалари – газета, журнал, радио, телевидение, ахборот агентликлари ҳақида, интернетнинг фаолияти хусусида муҳим маълумотлар, шунингдек, умуман журналистиканинг шаклланиши ва равнақ топиши, илмий-таснифий масалалари билан қисқача таништиришни мақсад қилиб қўйдик. Ўйлаймизки, ушбу мўъжаз маълумотнома мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ва университетларнинг бакалаврият талабаларига оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишларида кўмаклашади.

Аввало, шунингдек таъкидлаш керакки, оммавий ахборот воситалари мажмуини ташкил этувчи журналистика жамиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёти, инсонлар фаолиятининг барча томонларига доимий ва фаол таъсир кўрсатувчи ғоявий восита бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, журналистика-матбуот тарихи, назарияси ва амалиётини ўрганувчи фан соҳаси. Газета ва журналларнинг пайдо бўлиши “Журналистика” атамасининг келиб чиқишига замин яратди. XIX аср ўрталарида вақтли матбуотнинг ривожланиши билан журналистиканинг мазмун доираси кенгайиб, кўп қиррали журналистик фаолиятни ҳам англата бошлади. Шунга кўра, мазкур фаолият доирасида касблар: газета, журнал журналисти, радиожурналист, тележурналист, репортёр, фельетончи, шарҳловчи, фотожурналист ва техник муҳаррир, котиб, мухбир ва бошқалардан иборатдир. Айни чоғда журналистика ҳам тур, хил, мавзу жиҳатидан хилма-хилдир. **Булар куйидагилар:** ижтимоий-сиёсий журналистика, илмий журналистика, иқтисодий соҳа журналистикаси, адабий-бадиий журналистика, ҳажвий журналистика кабилардир¹. Журналистика ахборотларни оммага етказувчи асосий восита, маърифий майдон. Журналистика публицистикаси ва публицистика журналистикаси иш кўра олмайди, улар бир-бири билан узвий боғланиб кетади, бир-бирининг таркибий қисмига айланади. Кўриниб турибдики, “Журналистика” тушунчаси матбуот нашрларининг умумий йиғиндиси, фан ва касб маъноларини англатади.

Ахборот тўплаш ва тарқатишнинг дастлабки оғзаки (воизлар, жарчилар, чопарлар ва бошқалар) ва ёзма (попируслардаги, эълон тахталарда ва ҳақозолардаги) намуналари номунтазам бўлсада, қадим замонлардан яхши маълум. Журналистика XVII асрда иқтисодий, сиёсий кураш кучайган даврда пайдо бўлди. XIX аср охири – XX асрнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқарила бошлади. Ўлкада хусусий босмаҳоналар, литография ва бошқа полиграфия корхоналари ташкил этилди. Ўзбекистон журналистикасининг шаклланишида “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газетаси” каби расмий газеталар муҳим рол ўйнади. Зокиржон Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода, Сатторхон Абдуғаффоров, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний каби маърифатпарвар адиблар ўзбек журналистикасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Атоқли журналистлар М.Шермухамедов, З. Саид, А.Аюбов, К. Алиев, М.Хасан, К.Сорокин, М.Усмонов, А.Ёқубов ва бошқалар миллий журналистиканинг

¹ Абдуазизова Н.А. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари – Т.: Академия, 2003. 4-б

дастлабки намуналарини яратдилар. А.Қодирий, Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қахҳор, Шайхзода, К.Яшин, С.Абдулла, Зулфия, Н.Сафаров, А. Мухтор, Р. Файзий, С. Аҳмад, И. Раҳим каби ёзувчилар ижодининг шаклланишида журналистика ҳаёт мактаби бўлди¹.

Республика матбуотини, радио ва телевидениесини профессионал журналист кадрлаш билан таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидан 1949 йил филология факультетининг журналистика бўлими ташкил этилди ва 1967 йилдан бошлаб факультет сифатида фаолият кўрсатмоқда (бу ерда тарих ҳамда филология фанлари докторлари, номзодлари, профессор ва доцентлар: Т.Эрназаров, О.Тоғаев, О.Саидов, А.Акбаров, П.Ҳамдамов, В.Абдуллаев, Р.Муҳаммадиев, А.Каримов, Т.Пидаев, С.Умиров, Ғ.Ғофуров, Ф.Нестеренко, Ф.Мўминов, Ф.Мўминова, М.Ҳудойқулов, Б.Дўстқораев, А.Абдурахмонов, Қ.Эрназаров, Ё.Мамадова, М.Алимова ва бошқалар илмий-педагогик фаолият олиб бордилар). 1999 йилда Ўзбек давлат Жаҳон тиллари университетидан халқаро журналистика факультети ташкил топди.

Ўзбекистонда “Ўзбекистон матбуоти”, “Кино” каби махсус касбга доир журналлар чоп этилмоқда.

Қатор журналистик уюшмалар: Халқаро Журналистлар ташкилоти (1946); Халқаро журналистлар Федерацияси (1952); Ҳамдўстлик мамлакатлари, шунингдек, Ўзбекистон журналистлари уюшмаси (1957) мавжуд.

1958 йил 8 сентябрь Халқаро журналистлар бирдамлик кунини ҳисобланади.

Африкада эркин матбуот ролини ошириш мақсадида ноширлар, муҳаррирлар, журналистлар томонидан Виндхукс декларацияси ишлаб чиқилган. ЮНЕСКО томонидан 1991 йили 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини деб эълон қилинган. Яъни, Декларация қабул қилинган кун байрам сифатида нишонланади¹.

Мустақиллик йилларида республикада оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган муҳим амалий чоралар кўрилди. “Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларининг демократлаштириш ва кўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси” ташкил қилинди (1996). Мазкур жамғарма оммавий ахборот воситалари вакилларининг мустақил, ўзини-ўзини бошқарувчи, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилоти ҳисобланади. Бундан ташқари, Президент девонида “Ахборот маркази”, шунингдек, “Миллий матбуот маркази”, “Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази”, “Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази” кабилар ташкил этилди.

Истиқлол даврида “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” унвони таъсис этилди.

Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (“Ўзбекистон матбуоти”, 1996, 6-сон), “Ўзбекистон ижтимоий тараққиётига телевидение ва радионинг ролини

¹ Абдуазизова Н.А. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари – Т.: Академия, 2003. 5-б

¹ www.uza.uz

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони (“Ўзбекистон матбуоти”, 1996, 4-сон), Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги (1997 йил 24 апрель), “Журналистик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида”ги (1997 йил 26 декабрь), “Реклама тўғрисида”ги (1998 йил 25 декабрь) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисида”ги (1999 йил 26 февраль) қарорига биноан иш кўради.¹

2002 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни Олий Мажлис томонидан муҳокама қилинди.

Энди ахборотларни тарқатувчи, дунёда кечаётган турли-туман жараёнлар, воқеалар ҳақида хабар, янгилик ва маълумот берувчи оммавий ахборот воситалари-газета, журнал, радио, телевидение, ахборот агентликлари, интернет фаолияти хусусида муҳим маълумотлар билан танишинг.

Оммавий ахборот ва тарғиботнинг асосий воситаларидан бири газета ҳисобланади. “*Газета*” - италянча сўз бўлиб, чақа пул, босма даврий (вақтли) нашр деган маъноларни англатади. Дастлаб XVI асрда Венецияда ахборот бюролари пайдо бўлган. Бу ерда мирзалар ахборотни қўлда кўчириб тарқатиб, хизматлари эвазига “gazzeta” чақа пул олишган. Шундан ҳозирги “газета” сўзи келиб чиққанлиги тахмин қилинади. 1631 йилда Парижда француз ношири Т.Ренодо “Za Gazzette” номи билан даврий нашр чиқара бошлагач, ҳозирги маънодаги газета атамаси кенгрок қўлланиладиган бўлди.

Газетада кундалик ижтимоий-сиёсий ҳаёт воқеалари ҳақидаги материаллар берилади. Матбуотнинг бу тури бирон партия, ижтимоий гуруҳнинг сиёсати ҳамда мафкурасини ифодалайди ва тарғиб қилади. Газета ўз ўқувчиларида ҳаёт воқеаларига нисбатан маълум муносабат, турмуш тўғрисида муайян тасаввурлар пайдо бўлишида, сиёсий, иқтисодий, маънавий идеал ва эътиқодлар шаклланишида, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Аслида, газетанинг ибтидоий тури дастлаб Римда мелоддан аввалги I асрда (варақа ва бюллетенлар шаклида), Хитойда VII асрда “Диabo”- “Пойтахт ахбороти” номи билан чиққан. Газеталар Европада XVII асрдан бошлаб кам тиражда бўлса ҳам, мунтазам чиқа бошлади. Жумладан, Германияда “Лейпцигер цайтунг” (1661), Англияда “Дайли курант” (1702), Россияда “Ведомости” (1702), Францияда “Журнал де Пари” (1777) ва бошқалар пайдо бўлди¹.

XIX аср охири- XX аср бошларида газетачилик тараққий этди. 1913 йилда 1 йилги умумий тиражи 2,7 миллион бўлган 856 газета чиқиб турди.

Туркистонда XIX асрнинг 70-йилларигача ҳеч қандай газета нашр этилмаган эди. Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий газетаси

¹ Қаранг: Т.Эрназаров. Ўзбекистонда вақтли матбуот. Т., 1954; Х.Ёдгоров. Нурли йўл. Т., 1968. Ўткир эди калами (тўплам). Т., 1965; Мели Жўра. Умрим дафтари. Т., 1970; В.Абдуллаев. Нурли манзил. Т., 1995; Н.Абдуазизова. Туркистон матбуоти тарихи. Т., “Академия”, 2000; Н.Абдуазизова. Ўзбекистон журналистика тарихи. Т., “Академия”, 2002; www.press-service.uz

¹ Н.Абдуазизова. Ўзбекистон журналистика тарихи. Т., “Академия”, 2002. 7-б.

“Туркистанские ведомости”нинг (1870-1917) чиқа бошлаши билан бу ерда вақтли матбуотга асос солинди.

Унда ўлка тарихи, маданияти, географияси, этнографияси, саноати ва фаннинг турли соҳаларига оид қизиқарли материаллар боилган. Худди шу вақтда (1870) маҳаллий тилда “Туркистон вилоятининг газети” нашр этила бошлади. 1917 йилгача Туркистонда бу икки газетадан ташқари, турли вақтларда русча ва ўзбекча (қисман қирғиз ва тожик тилларда) юздан ортик газета чиқарилган. Уларнинг кўпчилиги Тошкент, Самарқанд, Ашхобод, Қўқон, Андижон, Бухоро, Фарғона ва бошқа шаҳарларда нашр этилди. Булар: “Ўрта Осиёнинг умр гузарлиги”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” (1912-1914) “Нажот”, “Фарғона нидоси”, “Турон”, “Турк эли” (1917) ва бошқалар эди¹.

“Тараққий” газетаси 1906 йил 27 июндан-1906 йил 20 августга қадар фаолият юритди. У ҳақиқий маънода тараққийпарвар, маҳаллий халқ манфаатини ифода этган миллий газета эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра “Тараққий” газетаси ташкил топган сана – 27 июнь мамлакатимизда “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни” деб эълон қилинган.

Миллатимизнинг маърифатпарвар етакчиларидан бўлган Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Мунавварқори Абдурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Обиджон Махмудовлар Туркистон вақтли маъбуотининг миллат ва унинг истиқболи йўлида жаҳолатга қарши маърифат, ёвузликка қарши озодлик, қабохатга қарши жасорат билан жамият ҳаётининг турли қирраларини тескор акс эттирувчи энг самарали восита сифатида газеталардан фойдаланган эдилар.

1917 йил 2 апрелда Тошкентда биринчи сони чиққан “Наша газета” (ҳозирги “Правда Востока”) Ўрта Осиёда мустабид совет тузими матуботига асос солди. Шундан кейин Туркистонда маҳаллий тилларда газеталар пайдо бўла бошлади. Булардан дастлабки 1918 йилдан чиқа бошлаган “Иштирокиюн” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасидир.

Мустабид совет тузими даврида Ўзбекистонда янги газеталар нашр этила бошлади. Жумладан, Фарғонада “Янги шарқ” (1919-1921), Қўқонда “Меҳнат байроғи” (1921), Урганчда “Инқилоб кўеши”(1920-1939), Бухорода “Бухоро ахбороти” (1920-1923), Наманганда “Эркинлик” (1919), Андижонда “Дархон” (1923), Тошкентда “Касабачилик иши” (1921), “Ёш ленинчи” (1925) каби газеталар чиқарилди. 1940 йилга келиб республиканинг деярли ҳамма вилоятларида, туманлари ўз газеталарига эга бўлди. Республикадаги газеталар сони 200 га, уларнинг бир галги тиражи 200 мингга етди¹.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида оммавий газеталар бир мунча қисқариб, фронт газеталарини чиқаришга эътибор берилди. Ўзбек тилида ҳам 17 номда фронт, бригада, девизия газеталари (масалан, Украина фронтида “Қизил армия”, “Фронт ҳақиқати”, Белоруссия фронтида “Ватан уруши”, “Ғалаба

¹ Т.Эрназаров. Ўзбекистонда вақтли матбуот. Т., 1954. 56-б

¹ Н.Абдуазизова. Туркистон матбуоти тарихи. Т., “Академия”, 2000. 14-б

байроғи”, Болтиқбўйи frontiда “Душманга қарши олға”, “Суворовчи” ва бошқалар) чиқарилди.

Урушдан кейинги йилларда оммавий газеталар сони янада кўпайиб борди. Айтайлик, 1917 йилда 16 та республика газетаси, 31 та вилоят, 10 та шаҳар газетаси, 107 та туман газетаси ва 60 дан ортиқ кўп тиражли газеталар (ўзбек, рус, қозоқ, тожик, қорақалпоқ, қирим татар, инглиз, араб ва бошқа тилларда) нашр этилди. Уларнинг бир галги ўртача умумий тиражи қарийб 4,9 миллион нусхани ташкил этди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Ўзбекситон овози”, “Правда Востока”, “Туркистон”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маърифат”, “Хуррият”, “Тонг юлдузи” каби қатор йирик газеталар мунтазам чиқиб турди.

2000 йилда республикамизда газеталарнинг умумий сони 417 та, йиллик тиражи 106 миллион 768, 6 минг бўлди².

Газетанинг ўзига хос хусусияти-воқеа ва жараёнларни ёритишдаги тезкорлиги ва ҳозиржавоблигидадир. Бу ҳар бир газета жамоасидан ўта фаол бўлишни талаб этади. Шунинг учун ҳам газетада профессионал журналлар билан бирга, жамиятнинг ҳамма ижтимоий гуруҳлари вакиллари, муҳбирлар, штатсиз муаллифлар фаолиятига ниҳоятда эҳтиёж катта. Зотан, бундай фаоллик ва жонбозлик ҳар қандай газетани жамият ҳаётининг томир урушини белгилайдиган матбуот ва ахборот соҳасига айлантиради.

Газетада хилма-хил тур ва шаклларда, айниқса, мақола, хат-хабар ва республиканинг бошқа жанрларидан фойдаланилади. Уларда аввалом бор, воқелик таҳлил қилинади; бош мақолалар таҳририятнинг энг муҳим масалаларга бўлган муносабатини ифодалайди. Булардан ташқари, газетада лавҳа, хабар, репортаж, очерк, памфлет, фельетон, газетхонларнинг хатлари ва бошқалар салмоқли ўрин тутаяди. Газетани безатишнинг ўз хусусиятлари бўлиб, бундан мақсад, аввало, газета мазмунини газетхонга қизиқарли ва оммабоп тарзда етказиш, муҳим хабар ва фикрларга эътиборини жалб этишдир.

Газета таҳририяти-бош муҳаррир, таҳрир хайъати, бўлиб бошлиқлари, адабий ходимлар (репортёр, шарҳловчи, фельетончи ва бошқалар) гуруҳидан иборат бўлади.

Кўпчилик газеталарнинг махсус муҳбирлари ҳамда мамлакатнинг ўзида ва хорижларда доимий муҳбирлари бор. Газеталар **телеграф, телефон, телетайп, телекс ва интернет** воситасида матбуот агентликларидан ҳам оператив ахборот олиб туради. Кейинги йилларда On – line журналистикаси шаклланиб ривожланмоқда.

Айни чоғда Ўзбекистонда мустақил ва электрон газеталар билан бир қаторда, давлат ихтиёридаги ва хусусий газеталар ҳам чоп этилмоқда.

Журнал – бома даврий (вақтли) нашр. Журнал ҳам газета сингари жамоатчилик фикрини ва дунёқарашини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Журналлар безаклилиги ва салмоқдорлиги билан бошқа оммавий ахборот воситалари турлари орасида ажралиб туради.

² Ўша жойда. 17-б.

Одатда, журналлар ҳафтада, ўн кунда, икки ҳафтада, ойда бир марта чоп қилинади, шунингдек, йилда 4-6 марта, хатто ундан ҳам камроқ чиқиши мумкин, ҳажми, шакли, йўналиши билан газетадан фарқ қилади. Журналлар моҳиятига кўра, ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий, ишлаб чиқариш, техника, фан соҳасига доир (тармоқ журналлари), илмий-оммабоп, илмий-ахборот ва рефератив, библиографик, сатира, спорт ва аралаш мазмундаги журналларга бўлинади. Бундан ташқари, йўналишига кўра, болалар ва ўсмирлар, хотин-қизларга мўлжалланган турли хил журналлар нашр қилинади.

Журнал дастлаб XVI асрнинг иккинчи ярмида Фарб мамлакатларида пайдо бўлиб, ўша даврда газетадан қатъий ажратилмаган. Айрим мамлакатларда газеталар ҳам журнал деб аталган.

1853 йилда Кёльнда нашр этилган “Месрелационен”, 1665 йилда Парижда чиққан “Журнал де Саван” (“Олимлар журнали”) моҳият эътибори билан дастлабки журналлардандир. Кейинчалик журналлар Англия ва Италияда ҳам нашр этила бошлади. Полиграфия техникасининг ривожланиши билан расмли журналлар чиқариш йўлга қўйилди.¹

Туркистонда журнал типдаги нашрлар XIX асрнинг охирида пайдо бўлган.

Туркистонда биринчи журнал “Среднеазиатский вестник” (“Ўрта Осиё хабарчиси”) 1896 йил мартдан нашр этилган (10 сони чиққан). 1896 йилнинг январь-февраль сонлари ўрнида “Средняя Азия” (“Ўрта Осиё”) альманахи чиқарилиб, унда фаннинг турли тармоқлари бўйича илмий мақолалар босилган. XX аср бошларида “Туркестанское сельское хозяйство” (“Туркистон қишлоқ хўжалиги”, 1906-1918), “За народ” (“Халқ учун”, 1907), “Туркестанский скорпион” (“Туркистон чаёни”, 1907-1910), “Средняя Азия” (“Ўрта Осиё”, 1910-1911), “Туркестанский каракурт” (“Туркистон қоракурти”, 1911), “Ал-Ислоҳ” (1915-1918), “Ал-Изоҳ” (1917-1918) журналлари, “Степные миражи” (“Дашт сароблари”, 1914) альманахи ва бошқалар нашр қилинган; улар асосан, расмий доиралар ва олий мартабали кишилар учун мўлжалланган².

Ўзбек миллий матбуотида Маҳмудхўжа Беҳбудий журналчиликка асос солган. Беҳбудий нашрга тайёрлаган “Ойина” журналининг илк сони 1913 йил 20 августда Самарқандда чоп этилди. Унда Абдурауф Фитрат, Сиддиқий, Хожи Муин, Ақобир Шомансур, Муҳаммад Саъид, Саидризо Ализода, Саидахмад Васлий, Тавалло, Садриддин Айний, Ҳаким Бухорий, Ниёзий Ражабзодалар қатнашган (Қаранг: “Ойина” (1913-1915). Т., “Академия”, 2001). Бу журнал Туркистон матбуоти тарихига юрт озодлиги ва ободлиги учун курашган нашр сифатида кирди. Кейинчалик “Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ”, “Кенгаш”, “Хуррият” каби журналлар ўзбек тилида чиқди.

Юртимизда мустабид тузим даврида янги типдаги бир қатор ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий журналлар ташкил этилди. 1918 йилдан ҳафталик педагогик “Маориф” (ҳозирги “Халқ таълими”) журнали ўзбек тилида чиқа бошлади. 1919 йил мартдан “Народное хозяйство Туркестана” (“Туркистон

¹ www.rubricon.ru

² Абуазизова Н.А. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари - Т.: Академия, 2003. 12-13 б.

халқ хўжалиги”) журнали нашр қилина бошлади. 1920 йил охиридан “Ишчилар дунёси” сиёсий-иқтисодий журнали икки ҳафтада бир мартадан чиқиб турди. 1920 йилда “Коммунист” (ҳозирги “Халқ ва демократия”) журналига асос солинди. 1920 йил 1 декабрда “Қасабачилик ҳаракати” журналининг 1-сони чиқди. 1921 йилда “Болалар дунёси” журнали; 1922 йилда “Инқилоб” сиёсий-иқтисодий ва адабий журнали; “Билим ўчоғи” илмий-педагогик журнали; 1923 йилда “Туркистон” газетасининг иловаси – “Муштум” сатирик журнали; “Коммунистлар йўлдоши”, журнали; “Ўзгаришчи ёшлар” журнали ташкил қилинди. 1925 йилдан “Дехқон” журнали, “Маориф ва ўқитувчи” журнали, хотин-қизлар учун “Янги йўл” (ҳозирги “Саодат” журнали), 1927 йилдан “Қишлоқ хўжалиги турмуши” журнали чиқа бошлади.

1931 йилдан бошлаб “Қурилиш”, 1932 йилда “Ўзбекистон шўро адабиёти” (ҳозирги “Шарқ юлдузи”), “Советская литература народов Средней Азии” (ҳозирги “Звезда Востока”) журналларининг нашр этилиши Ўрта Осиё халқлари ижтимоий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ўзбекистонда Фанлар академияси ташкил этилгач (1943), журналлар тармоғи кенгайди, “Узбекский геологический журнал” (“Ўзбекистон геология журнали”), “Узбекский химический журнал” (“Ўзбекистоннинг кимё журнали”), “Узбекский биологический журнал” (“Ўзбекистон биология журнали”), “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Общественные науки в Узбекистане” (“Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”), “Фан ва турмуш” ва бошқа илмий-оммабоп журналлар чиқди.¹

Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўпчилик журналлар ўрнига тўплам ва альманахлар нашр қилинди: “Армуғон”, “Зафар”, “Ватан учун”, “Ўзбек ўғлонларига”, “Ватан жонбозларига”, “Ўлим ёвга”, “Шонли Ленинград”, “Ғазабли Украина”, “Қалқон”, “Залп”, “Тошкент” ва бошқалар. Урушдан кейинги пайтларда республиканинг барча етакчи журналлари яна қайтадан нашр қилина бошланди.

“Гулистон” – ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий журнал. 1925 йилдан буён нашр этиб келинади. “Гунча” – бошланғич синфлар учун болалар журнали. 1958 йилдан бошлаб нашр этиб келинмоқда. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида чиқади. “Гулхан” – адабий-бадий, безакли болалар журнали. 1929 йилдан эътиборан нашр этиб келинмоқда. “Мулоқот” – Ўзбекистон Республикасининг миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадий журнали. 1991 йилдан эътиборан чиқа бошлади. “Муштум” – сиёсий сатирик журнали. 1923 йилдан бошлаб нашр этиб келинмоқда. “Саодат” – Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий журнали. 1925 йилдан буён нашр қилиб келинади. “Бир сафда” – ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий журнал. 1957 йилдан бошлаб рус ва ўзбек тилларида чиқиб турибди. “Сирли олам” – ижтимоий-оммабоп, илмий-бадий, саргузашт ва фантастик журнал. 1991 йилдан эътиборан чиқа бошлаган. “Ўзбекистон” – безакли журнал. Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси томонидан 1952 йилдан буён чиқарилиб турибди. Ўзбек, инглиз, араб тилларида чоп этиб келинмоқда. “Фан ва турмуш” – Ўзбекистон Республикаси Фанлар

¹ Абуазизова Н.А. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари - Т.: Академия, 2003. 14-15 б.

академиясининг ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп журнали. 1933 йилдан буён чиқиб турибди. “Шарқ юлдузи” – Ўзбекистон ёзувчиларининг журнали. 1931 йилдан буён чоп этиб келинмоқда. “Ёш куч” – ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий рангли, безакли журнал. 1986 йилдан чиқа бошлаган. “Ёшлик” – адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журнал. 1982 йилдан буён ўзбек тилида нашр этиб келинмоқда. “Тафаккур” – ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий рангли, безакли журнал. 1994 йилдан чиқа бошлаган. “Жаҳон адабиёти” – адабий-бадий, ижтимоий публицистик журнал. 1997 йилдан бошлаб чоп этилди. Тошкентда йиллик тиражи 10 миллион 218 минг нусхадан ортиқ бўлган 67 та журналлар нашр қилинади (1997).

Қорақалпоғистонда 1933 йилдан бошлаб “Амударё” адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий тафаккур журнали нашр этиб келинмоқда. 1991 йилдан эътиборан “Орол” бадий, ижтимоий-сиёсий журнали чиқа бошлаган. “Орол қизлари” ижтимоий-сиёсий, адабий журнали Нукусда 1991 йилдан бошлаб чоп этиб келинмоқда.

2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси томонидан тайёрланиб, тасдиқланган маълумотга кўра, ҳозир республикамиздаги журналларнинг умумий сони 106 та, уларнинг йиллик тиражи 6749,2 минг нусхани ташкил қилади.

Радио – лотинча radio – нурланаман, нур тарқатаман деган маънони англатади. 1895 йилда радиони А.С.Попов ихтиро қилган.

Ўзбекистонда 1924 йилдан бошлаб радио эшиттиришларининг моддий-техника базаси яратилди.

Радионинг ўзига хос хусусиятларидан бири ундани жонли сўз-асосий ифода воситаси эканлигидир.

Радио – энг буюк кашфиётлардан бири. Радио радиоэлектроника, радиофизика сингари фанлар соҳаси бўлиши билан бирга сиёсий, ижтимоий, маърифий, маданий тарбия бериш воситаси ҳамдир. У миллий минталитетимизнинг шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

1927 йилда радио эшиттиришлари бошланди. Мазкур фаолият тури мазмун ва жанр жиҳатдан бойиди, шакл жиҳатдан ранг – баранглик касб этди.

Радио журналистика фикр ва ахборотларни баён қилишда ифода воситалари сифатида мусиқий оҳанглар жўрлиги дилга завқ бағишлайди.

Радио – ахборот тарқатишнинг тезкор услуби. Радио ахборотнинг асосий хусусияти маълумотларнинг хужжатларга асосланганлигидир. Радио эшиттириш дастурлари долзарб, ҳаққоний, аниқ, тарғиб қилинаётган мавзу далилларга бой бўлиши зарур.

Ўзбекистон радиоси хорижий мамлакатларга эшиттиришларини 1947 йил 1 сентябрдан бошлаган ва ўшанда хориждаги ватандошларимизга ўз дастурни илк бор янграган эди¹.

Истиклол даврининг муҳим ўзгаришларидан бири Тошкентда нодавлат радио студияларининг фаолият юрита бошлаганлигидир. Масалан: “Грант” ,

¹ Қаранг: Рихсиев Б. Тўлқинлар қанотида. Т., 1967

“Сезам”, Радио “Терра”, “Пойтахт” сингари радиостудиялар эшиттиришлар олиб бормоқда.

Бугунга келиб Тошкент радиоси – инглиз, немис, урду, ҳинд, араб, форс, дари, пушту, хитой, уйғур, турк ва ўзбек тилларида 70 дан зиёд мамлакатлар билан эфир тўлқинлари орқали боғланмоқда.

Ҳозир республикада радиостудиялар сони 14 тага етди.

Телевидение – оммавий ахборот ва тарғиботнинг янги шакли, жамоат фикрини шакллантириш ва маърифат тарқатишнинг ғоят таъсирчан ва қудратли воситасидир. Телевидение Тошкентда ихтиро қилинган. Тошкентлик ихтирочи Б.П.Гарбовский томонидан телевизион электрон система 1928 йилда яратилган. Гарчи шундай бўлса-да, телевизион кўрсатувлар 1956 йил ноябрдан бошланган.

Телевидение студияларининг республика ва вилоят тармоқлари курилиш (1950) Ўзбекистонда телевидениенинг моддий-техника базасининг яратилиши ва мустақамланиши билан боғлиқ. Тошкент, Урганч ва Нукусда телевизион марказнинг курилиши (1953-1962) туфайли регион миқёсида мустақил равишда телевизион кўрсатувлар эфирга узатилди².

1971 йилда рангли телевизион кўрсатувлар эфирга узатилган. 1967 йилда учта дастурда телевизион кўрсатувлар олиб борила бошлаган 1976 йилда учала дастурнинг бир суткалик эшиттириши 26 соатни ташкил этган.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон телекомпанияси ташкил этилди.

Ўзбекистон телекомпанияси тармоғига уланган.

Республикада 51 та телестудия мавжуд. Кабелли телевидение ҳам ишлаб турибди. Сунъий йўлдош орқали пулли хизмат кўрсатувчи “Камалак” кабелли телевидениеси ВВС, CNN, Deutsche Welle, Россия телекомпанияларининг НТВ, ТВЦ, ОРТ ва бошқа каналлари кўрсатувларини олиб кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, мамлакатимизнинг аста-секин жаҳон интеграцион жараёнига кириб бориши ва Жаҳон ахборот тизими билан алоқа ўрнатишининг натижасидир. Шундай қилиб, телевидение маъданий-маърифий кўрсатувлари билан қалбга яқин бўлиб қолган.

Телевизион дастурларда ижтимоий воқелик акс эттирилган бўлиб, ҳозиржавоблик билан материаллар эфирга узатилади.

Ўзбекистон телевидениесида бугунги кунда ахборотга бой публицистик дастурларга, телевизион репортажлар, таҳлилий-маърифий кўрсатувлар, бадий дастурлар – видеофильм, театр, кино, телефильм, мусиқали асарларга кенг ўрин берилмоқда, уларда, айниқса, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиб қилинмоқда.

Тошкент телеминорасининг баландлиги 375 метр бўлиб, баландлиги жиҳатидан Ўрта Осиёда биринчи ўринда туради.

Ўзбекистонда учта ахборот агентлиги мавжуд. Улар “Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги”, “Жаҳон” ахборот агентлиги (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги) ва “Туркистон пресс” (нодавлат) ташкилотларидир.

² Қаранг: Каримов А. Ўзбекистонда телевидение. Т., 1964

1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон интернет тармоғининг шаклланиши туфайли жаҳон коммуникациясининг тўла қонли аъзосига айланди. On-line журналистикасининг шаклланиши ва ривожланиши мумкин бўлди.

Интернет тизими орқали дунёда содир бўлаётган воқеа-ходисалар тўғрисидаги ахборотлар қабул қилиб олинади ва улардан қиёсий-таҳлилий материаллар тайёрлашда фойдаланилади.

1996 йилнинг май ойида республикамиз ахборот воситаларининг Америка Қўшма Штатларида жойлашган, жаҳондаги йирик компьютер тизими “Интернет” билан алоқа ўрнатилиб, ундан энг сўнгги янгиликларни қабул қилиб олиш йўлга қўйилди. Бу Ўзбекистон ОАВ тарихига муҳим воқеа бўлиб кирди. Шу тариқа бутун дунё воқеаларидан хабардорлик, ахборот бозорига кириб бориш эвазига ахборот алмашинуви вужудга келди.

Интернетнинг 50 миллион агенти бўлиб, дунёдаги энг йирик ахборот марказлари унинг аъзосидир. У бутун дунёдан турли-туман янгиликларни қабул қилиб олади, уларни ўз абонентларига тез ва аниқ етказиб беради. Интернетдан фойдаланишда Америкадан кейинги ўринни Хитой эгаллайди. 665 миллион хитойлик Интернетдан фойдаланади.

Ҳозирги вақтда Интернет, глобал компьютер тармоғи каби тушунчалар кенг тарқалмоқда. Интернет тизимининг пайдо бўлиши билан ахборотларнинг алмашинуви йўлга қўйилди.

Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1995 йил баҳорда тахминан 30 миллионни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 50 миллиондан ошиб кетди. Вақт ўтиши билан Интернет хизмати радио, телефон ва телевидение каби оммавийлашиб бормоқда.

Интернетда турли хилдаги ахборотлар мавжуд бўлиб, бундан қўзланган асосий мақсад мижозларга қулайлик яратишдир.

Электрон почтанинг яратилиши ахборот алмашинувини янада осонлаштиради.

Интернетда телеконференция дунёнинг турли чеккаларида яшайдиган кишиларнинг ўзаро мулоқотини йўлга қўйиш имкониятини беради. Usenet интернетдан фойдаланувчилар учун телеконференция мунозараларида иштирок этиш имкониятини яратади.

Кенг кўламли ахборот тизими - World Wide Web (WWW). Интернетда матн, график ахборот, товушли фрагментлардан ташкил топган хужжатлар билан ишлаш имкониятини яратиб беради¹.

Умуман олганда, мустақиллик шароитида журналист кадрлар Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Шарқшунослик институтида тайёрланмоқда. Шу алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқлол ва озодлик руҳи оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз фаолиятини тубдан ўзгартиришлари зарурлигини муқаррар қилиб қўйди. Зотан, мустақиллик деб аталган тенгсиз неъмат ҳеч қачон ўз-ўзидан мустақиллик қолмайди, у инсон ва жамиятнинг

¹ Қаранг: Т.Н. Нишонбоев. Windows Word ва Internet тизимларида ишлаш.(ўқув қўлланма). Т., “Академия”, 2002; Д.К.Рашидова. “Интернет” журналистикасининг шаклланиши ва интернетнинг глобал ОАВ сифатидаги спецификаси. Филология фанлари номзоди диссертацияси автореферати. Т., 2002

юксак маданияти, маънавияти, маърифатига, онглилик даражаси ва тафаккурига асосланди.

Шу жиҳатдан сўз ва матбуот эркинлигини қоғозда эмас, балки амалда таъминлаш ҳозирги тараққиётимизнинг энг муҳим устивор йўналишларидан бири сифатида ғоят катта ижтимоий-сиёсий маънога эга. Зеро, ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш – ҳозирги замон талаби, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг муҳим шартидир. Демак, оммавий ахборот воситалари том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилгандагина янги жамият барпо этиш соҳасида ҳам улкан натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Бунда, энг аввало, журналистикамиз олдидаги муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айниқса, журналист кадрларни тарбиялаш, уларнинг илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ўз малакаларини оширишлари, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишлари долзарб аҳамиятга эга. Шунда улар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт соҳларига дадил ва фаол аралашуш, эркин ва мустақил муносабат билдиришга ўрганадилар, ҳадиксираш, ҳавотирланиш, тортинчоқлик каби иллатлардан ҳалос бўладилар.

Хуллас, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, сиёсат ҳақида гапирганда – сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида – иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни – мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдига энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

II-БОБ. ОАВ -НИНГ “ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ” СИФАТИДА СИЁСИЙ ҲАЁТ ВА МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

2.2. МАТБУОТ ВА СИЁСАТШУНОСЛИК

Миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда, уни одамлар онгига сингдиришда, оммада ижтимоий фикр уйғотишда матбуотнинг ўрни беқиёсдир. Юртимиз мустақилликни кўлга киритгач, кўплаб янги матбуот нашрлари пайдо бўлди ва улар илгари ҳукумрон бўлган коммунистик мафкура исканжасидан қутилиб, ҳаётимизнинг турли жабрларини ёрита бошладилар.

Ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлган оммавий ахборот воситалари фаолияти журналистика тарихи ва назариясининг марказий тадқиқот манбаи бўлиши билан бирга, бир қанча бошқа фанлар томонидан ҳам ўрганилади. Матбуотни ўрганувчи ана шундай фанлардан бири сиёсатшуносликдир.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари фаолияти сиёсатшуносликнинг тадқиқот манбаига айланиб бормоқда. Сиёсатшунослик фани кўплак диққат эътиборни жамиятда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар оммавий ахборот воситаларида қандай акс этаётганлигига қаратади.

Оммавий ахборот воситалари республикамизда олиб борилаётган демократик ислохатларни чуқурлаштиришда муҳим омиллардан биридир. Бу, айниқса, кишиларнинг ўзини-ўзи ва жамият ҳаётини бошқариш ишларидаги фаолиятини ёритишда кўзга ташланади. Демократик тизимнинг намоён бўлиш йўналишлари ҳалқчилик, ошкоралик, оммавий ахборот воситаларининг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги, эркин фикрлашни ёритиши туфайли самарали бўлади.

Оммавий ахборот воситалари демократик ислохатларни амалга ошириш жараёнининг қандай кечаётганлигини қуруқ баён қилибгина қолмай, унинг таҳлилий томонига, инсонлар ҳаётидаги ўрнига ҳам жиддий эътибор қаратиши лозим.

Жамиятни демократлаштириш тарбиявий жараёнга ҳам таъсирини кўрсатади, иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда, турли ҳил салбий ҳодисаларга қарши курашда омма ўртасида ижтимоий фикрни уйғотади. Шунинг учун ҳам турли шаҳарлар ва меҳнат жамоаларидаги ижтимоий фикрни ўрганиш демократик жамиятда зарурий бир ҳолдир. Бундай пайтда демократик жараёнлардаги ислохотларни тадқиқ қилишда унинг ифодаланиш шакллари, моҳияти ва мазмунининг юзага чиқиш жараёнига, бу жараёнга таъсир кўрсатувчи алоқа ва ўзаро таъсирларга эътиборни қаратиш зарур бўлади. Қайд этилган омиллар билан ҳақиқий билимгина демократик жараёнларни бошқариш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, бутун тарбия жараёнини илмий бошқариш учун замин яратади.

Демократик жараёнларнинг шаклланишида ахборот манбааларининг аҳамиятини оширишда воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларнинг тасаввурлар, фикр ва мулоҳазалар билан узвий алоқасини ёддан чиқармаслик

лозим. Бу жараёнда, энг аввало, тасаввурлар шаклланади, сўнгра фикр ва мулоҳазаларнинг шаклланиш жараёни содир бўлади.

Ахборотларга эга бўлиш демократик жараёнларнинг шаклланишида муҳим босқич ҳисобланади. Чунки билим бу жараённинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. Бундан ташқари, маълумотларни мушоҳада қилиш чоғида бу жараёнга турли маълумот манбаалари таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада ижтимоий фикрнинг кадрли жиҳати шаклланади, яъни баҳолаш мулоҳазалари орқали аниқ муносабат юзага келади. Шундай экан, оммавий ахборот воситалари сиёсатшунослик фанининг ҳам тадқиқот манбааларидан бири эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

XX асрда юз берган ахборот инқилоби глобал ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар ясади. Ахборотнинг глобаллашуви жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий, маънавий, диний ва ахлоқий ҳаётида фавқулодда аҳамият касб эта бошлади. Дунёнинг етакчи мамлакатлари, хатто алоҳида шахслар учун ахборот ва коммуникация воситаларига эгалик қилиш ва бошқариш стратегик мақсадга айланди. Айтиш мумкинки, айтиш замонгача ҳали ҳеч қачон ахборотнинг аҳамияти бунчалик улкан бўлмаган. Ахборотнинг глобаллашуви, оммавий ахборот ва коммуникация воситаларининг ривожланиши баробарида дунё давлатлари учун глобал ахборот маконида ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш муаммоси кун таркибидаги муҳим масалалардан бирига айланди.¹

Шимолий Атлантика Блоки генералларидан бири НАТО нинг Косовога ҳужуми мавзуи оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилганини шарҳлаб шундай деган эди: “НАТО ҳарбий операциясига қандай тадорик кўрган бўлса, журналистлар билан ишлашга ҳам шундай тайёрланди...”

Натижа эса, ёмон чиқмади. НАТО ахборотни бошқара олиш баробарида ўз ҳатти-ҳаракати кенг омма томонидан қўллаб-қувватланишига эришди. Гўё, ҳаво ҳужумисиз Косово муаммоси ҳал бўлмаслигига дунё ишонди. Бу ҳарбий амалнинг сиёсий томондан тўғри ёки нотўғрилигига баҳо бериш – мутахассисларнинг иши. Биз учун муҳими эса масаланинг оммавий ахборот воситалари ва ахборотга боғлиқ жиҳатларидир. Бугун ялпи демократия, сўз эркинлиги ва ахборотнинг бетарафлиги борасида оташин гапларни кўп эшитяпмиз. Дунёдаги энг демократик ҳукуматлар учун ҳам ахборотни бошқара билиш, уни ўз манфаатларига хизмат қилдириш стратегияси тобора муҳим аҳамият касб этаётганини инкор этиб бўлмайди. Минг афсуски, хатто демократия борасида тенги йўқ мамлакатларда ҳам ахборот ва янгилик сиёсий арбоблари, публик рилэйшнз масъуллари, лобби журналистикаси дарғалари ҳамда махсус хизмат вакиллари томонидан шундай усталик билан бошқариладики, алалоқибат муайян давлатлар ё кучлар манфаатлари ахборот қобиғи ичида ҳимоя топади.

1994 йилги “Чеченистон уруши” даврида ҳам қизиқ бир манзарани кузатиш мумкин эди. Муаммонинг ечими – фақат ҳарбий ҳужумлар деб билган Москва раҳбарияти маҳаллий ва хорижий ахборот воситалари билан “ишлаш” масаласига етарли эътибор қаратмади. Оммавий ахборот воситалари эса аксар

¹ Ахборотга эга бўлган дунёга эгалик қилади. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2003. №1. 122-б.

қолларда чеченларга хайрихоҳ бўлди. Умуман, бундай ёндошув журналистларга хос бир одат дейиш ҳам мумкин. Улар кўпинча ким ҳақ ё ноҳақлигига қараб эмас, ким кўпроқ жабр чекаётганига қараб муносабат билдиришади. Собик Югославияда ҳам айни шундай анъанавий муносабат устун эди. Косоволикларнинг азоб чекаётганини кўрган журналист сербларни ёвуз деб атар ва аксинча эди. Ҳис-туйғуларга берилмай, одилона фикрлаб ёзадиган журналистлар ҳам бўлди. Лекин улар кам эдилар. Аслида журналистика мавжуд шарт-шароитнинг журналистик руҳиятига ва ёзилажак мақолага таъсири, мақоланинг эса мамлакат миллий манфаатига мос келиш-келмаслиги масаласи мураккаб ва баҳсли мавзудир. Бошқа бир муҳим гап эса, умуман мақолада журналист муносабати бўлиши керакми ёки у шунчаки, кўрган-билган нарсани қандай бўлса шундайлигича одамларга гапириб бериши лозимми, деган савол билан боғлиқ.

Хуллас, чеченларга хайрихоҳ журналистлар, айниқса, Ғарб оммавий ахборот воситалари, чеченларни дунёга ўз озодлиги учун курашаётган халқ сифатида намоён этди. Шундан сўнг, Россиянинг Чеченистон борасидаги расмий гаплари чиппакка чиқди-қолди.

Чеченлар билан иккинчи бор вужудга келган қуролли можаро эса Россиянинг анча “тажриба орттирган”ини кўрсатди, ахборотни назорат қилиш ва бошқаришга катта эътибор қаратилган эди. Натижа эса маълум. Айрим сиёсатчиларнинг ёзишича, ахборотни бошқариш борасида Россиянинг Чеченистондаги хатоларини чуқур ўрганган НАТО Косово масаласида бундай густоҳликларни четлаб ўтган.¹

Умуман, ахборотни бошқариш ва янгиликни танлаш қанчалик аҳамиятга эга эканини, дейлик, 1993 йил Африканинг Сомали мамлакатаида содир бўлган воқеалар мисолида кўриш мумкин. АҚШ ҳукумати Сомалига ўз ҳарбийларини киритиш мақсадида ахборий ташвиқотга зўр берганди. Газеталар ва телевидение Сомалида оддий халқ қанчалик қийналаётгани ҳақида таъсирли мақола ва лавҳалар эълон қилишга зўр берди. Шу тариқа, АҚШ аскарларини Сомалига киритиш олдидан дунё жамоатчилиги фикран тайёрланди.

Орадан ҳийла вақт ўтиб-ўтмай, АҚШ ҳарбийларининг Сомалида қолиши шарт бўлмай қолди. Энди шундай қилиш лозим эдики, аскарларни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш АҚШ обрўсига заррача доғ бўлиб тушмасин. Бунда энг қулай йўл яна оммавий ахборот воситалари бўлди. Масалан, Си-Эн-Эн телекомпанияси сомалилик исёнчи гуруҳларнинг АҚШ аскарлари жасадларини Могадишо (Сомали пойтахти) кўчаларида судраб юрганини акс эттирувчи лавҳалар беришни бошлади. Бундай тасвирлар, табиийки, АҚШ жамоатчилигини жунбушга келтирди. Халқ ўз болаларининг Сомалидан зудлик билан олиб чиқиб кетилишини талаб қилди. Шу тариқа ҳукумат учун чиройли сабаб ҳам тайёр бўлди: “халқ талаби билан АҚШ ҳарбийлари Сомалидан олиб чиқилди...”

Янгилик танлаш, ахборотни узата билиш борасида Ғарб журналистикаси анча илгарилаб кетганига шубҳа йўқ. Ғарбда журналистиканинг бундай

¹ Ахборотга эга бўлган дунёга эгалик қилади. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2003. №1. 122-б.

ривожланишига, дейлик, демократия ёки оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий қудратигина сабаб деб бўлмайди, балки журналистиканинг илмий тадқиқ этилгани, соҳанинг салоҳиятини бевосита очиб берувчи фанлар ҳам назарий, ҳам амалий томондан чуқур ўрганилиши, журналистика бўйича ўқув даргоҳлари, тажриба ўрганиш марказларининг кўплиги ва бақувватлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Бугун янгилик ва ахборотни Ғарб мамлакатлари бошқараётганининг сабабларидан бири ҳам шунда. Бунинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти нечоғлик эканини изоҳлашга ҳожат йўқ. Ҳар ҳолда, ўтган асрнинг 70-80 йилларида дунё ахборот тизимида мувозанат йўқлиги, ахборот ва янгиликни Ғарб бошқараётгани, ривожланган ёки камбағал мамлакатлар халқаро ахборот майдонида ўз манфаатларини ҳимоя эта олмаётганидан норозилик ҳаракатлари бекорга пайдо бўлмагандир. “Дунёнинг янги ахборот йўриғи” (New World Information Order) чақириғи остида кечган баҳслар журналистлар ва журналистика мутахассисларига яхши таниш.¹

Ғарбдаги журналистика бўйича таълим масканларида “янгилик нима?”, “мақола ё репортажни нимадан бошлаган маъқул?” деган масалалар алоҳида йўналиш сифатида ўргатилади. Негаки, бу масаланинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти жуда катта. Мақола нимадан бошланганига қараб жамоатчилик эътибори маълум томонга йўналтирилади. Инглизлар буни “agenda setting”- “кун тартибини белгилаш”-дейишади. Назарий таълимлардан кейин амалий курслар ташкил этилади. Талабалар ҳар куни янгиликлар тайёрлайди, мақолалар ёзади ва берилган топшириқлар, худди мактабдагидай, баҳоланади. Афсуски, биз бу масалага етарлича эътибор қаратмаймиз. Содир бўлган воқеа ё ҳодисани ровийларча бир бошдан ҳикоя қилиб бериш кифоя деймиз. Бугунги замон журналистикасида бу ҳол ўзини оқламайди.

Аввало, ахборотни ўқувчига тақдим эта билиш мантиғи ва аҳамиятини тўғри англаш лозим. Ҳаммамизга маълум ривоятни эслайлик: Шоҳнинг тушида битта тишидан бошқа ҳамма тишлари тўкилиб кетади. Таъбирчилар келади. Айтишадики: “Ҳамма қариндошларингиз ўлиб, битта ўзингиз қоласиз”. Шунда шоҳ барининг бошини танасидан жудо қилдиради. Бир оқил таъбирчини топишади. У шоҳга шундай дейди: “Шоҳим, сиз ҳамма қариндошларингиздан узок умр кўражаксиз”. Таъбирчига зарбоф тўн кийдиришади.

Ахборотни узата билиш маҳоратини тахминан шундай тушунтириш мумкин.

Журналистикада яна бир гап борки, ахборот ҳамиша сараланади, танланади. Ахборотни танлашда уларнинг маълум давлат ёки сиёсий кучлар манфаатларига қай даражада мос келиш-келмаслиги ҳам катта аҳамият касб этади. Сиёсатда “ахборот уриши” деган тушунча ана шу тарзда пайдо бўлган. Яъни, ҳар ким ахборотни ўзига мослаб, ўз манфаатларига даҳл этмайдиган тарзда эълон қилади. Инглиз журналистларининг латифанома бир гапи буни янаям аниқроқ изоҳлайди: “Ярим пиёла сув ҳақида ягона хулоса берувчи битта фикрни икки хил айтиш мумкин: пиёланинг ярми бўш ёки пиёла ярмигача тўла”.

¹ Ижтимоий фикр. 2002. №1. 100-б.

Бугунги ўзбек журналистикаси айна шу масала борасида оқсаётгани сезилади. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ, шу йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатидан сўнг Оқ уй Афғонистондаги террорчилик ўчоқларини йўқотиш борасида ҳарбий режа туза бошлади. АҚШнинг ушбу тadbир доирасида бошқа мамлакатлар билан бир қаторда Ўзбекистон билан ўтказган музокаралари ҳақида айрим хорижий журналистлар турли шов-шувли хабарлар тарқатди. Ўзбекистонга қарши ростмана ахборот ҳужуми уюштирилди. Бизнинг газеталаримиз, радио-телевидениемиз эса токи Ўзбекистон раҳбари ушбу масала борасида махсус баёнот бермагунча бир четда томошабин бўлиб турди. Бу ҳол ҳали бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз ахборотни бошқариш ва уни керакли йўналишга солиш борасида хорижий ахборот хизматлари билан беллаша олмаслигини кўрсатди.

Кўпчилик хоҳлайдиган ахборотни англамаслик ва танлай билмаслик (инглизча ташбеҳда айтганда, “янгилик сезгиси”га эга бўлмаслик), ахборотни ўқувчи ё томошабин бажонидил қабул қиладиган тарзда узатмаслик одамларни табиий равишда бошқа ахборот воситалари томон етаклайди. Масалан, ўзимизнинг бирор бир газетани ўқиш ўрнига “Труд” ё бошқа бир хорижда чиқадиган газетани ўқийди, ўзимизнинг кўрсатувларни кўриш ўрнига “ОРТ” ёки “НТВ” кўрсатувларини кўради. Бу эса мамлакатимиздаги миллий оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучига путур етказди, уларнинг мухлисларини йўқотади.

Ўқувчисиз газета ёки томошабинсиз телевидениенинг кучи нечоғлик бўлишини шарҳлашга ҳожат бормикин?

Ҳар бир оммавий ахборот воситаси, аввало, ўз давлатининг қолаверса ўзининг манфаатларидан келиб чиқиб иш кўради. Янгилик ва ахборотни танлай билмаслик оқибатида, катта хорижий ахборот воситалари нимани янгилик деб топса, унга кўр-кўрона эргашиш эса, табиийки, ҳар қандай миллатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, керак бўлса, миллий хавфсизлигига муайян таҳдидлар туғдириши мумкин. Шу боисдан, маҳсулот бозоридаги талаб ва эҳтиёж каби ахборот бозоридаги талаб ва эҳтиёж ҳам жиддий кузатув ва ўрганишни талаб қилади.

Ҳар қандай миллатнинг юксак тараққиёти ва жаҳон ҳамжамиятида юқори мавқени эгаллашида шу миллатга хос бўлган рухий-маънавий хусусиятлар субъектив омил сифатида муҳим роль ўйнайди. Бу жараёнда алоҳида ўрин тутадиган миллий ғурурнинг миллат тараққиётидаги ижтимоий-маънавий, сиёсий-мафкуравий аҳамиятини кўрсатар экан, Президент Ислом Каримов шундай деган эди: “Эзгу орзуларимизни амалга ошириш, ёрқин келажакимизни бунёд этиш, дунёда “Биз ўзбеклармиз” дея мағрур юришимиз учун энг аввало нима керак? Миллий ғурур керак. Ғурурли халқни эса ҳеч қачон тиз чўктириб бўлмайди”¹.

“Миллий ғурур” тушунчаси махсус адабиётларда, оммавий ахборот воситаларида жуда кўп қўлланилса-да, аммо, унинг асл мазмун-моҳияти, ўзига хос бошқа жиҳатлари ижтимоий фанлар томонидан етарлича илмий тадқиқ

¹ www.press-service.uz

этилмаган. Аксарият ҳолларда, у инсонларга хос ички руҳий-психологик хусусият-туйғу сифатида, кишиларнинг руҳий кечинмалари, интилишлари, ҳис-ҳаяжонларини ҳамда кайфиятларини ифодаловчи ҳис-туйғу тарзида талқин этилади.

Ҳақиқатдан ҳам миллий ғурур-ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида ҳар бир кишида ўзи мансуб халқ-миллат тарихини, ўтмиш аждодлари томонидан яратилган ва мавжуд юксак қадриятлар, ижобий урф-одат ва анъаналарни, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатда, давлат ва жамият қурилишида эришилган улкан ютуқларни чуқур билишда, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, беҳад кадрлашда ҳамда турмушдаги амалий муваффақиятлардан фойдаланиш тарзида намоён бўлувчи ўзига хос фаол ва ижобий туйғудир.

Шу нуқтаи назардан миллий ғурурнинг руҳий-маънавий асослари миллий менталитетни ташкил қилувчи маънавий хусусиятларда мужассамлашган бўлиб, унинг юзага келиши ва ривожланиши миллат ҳаётидаги объектив ва субъектив омиллар-тадқиқотчи назаридан четда қолади. Тизимли ёндошув ўша сиёсат, иқтисод, маданият, ахлоқ ва ҳоказоларни ўзаро таъсир ҳолатида мулоҳазадан ўтказди, бу эса уларнинг бирикиши натижасида юзага келадиган хусусиятлари, белгилари, хоссалари, жиҳатларини аниқлаш имконини беради. Дарвоқе, бундай натижалар механик эмас, балки айнан тизимли бирикишдан ҳосил бўлади.

Этноижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларнинг бир бутунлик, батартиблик, бўйсунлиқ, тузилишлик, интеграллик хусусиятларини фақат тизимли таҳлил туфайлигина аниқлаш мумкин. Тизимли ёндошув ижтимоий ҳаётдек воқеликни ўрганиш ва билишнинг энг узвий усулидир. Агар расмий-мантқиқий таҳлил нуқтаи назаридан турли тарихий даврлар ва ижтимоий тизимларда ижтимоий ҳодисаларнинг мазмуни ва хусусияти ўзгаришсиз қолса, тизимли ёндошувда эса этнографик предметлар ва уларнинг хусусиятлари муайян тарихий ўзаро таъсирга боғлиқ тарзда ўзгаради. Шунинг учун уларнинг вазифалари турли тарихий шароитларда бутунлай қарама-қарши бўлиши мумкин.

Ўзбекистон этнография фанининг замонавий назарий-методологик муаммолари ҳақида сўз борар экан, бир томондан, турмушнинг анъанавий шакллари, иккинчидан, ана шу анъанавий шаклларда рўй бераётган ўзгаришлар билан ифодаланувчи маданий баланс деб аталувчи муаммо ҳам диққатни жалб этади. Бошқача айтганда, гап халқнинг маданий-тарихий ҳаётдаги анъанавий ва инновациявий таркибий қисмлар ҳақида бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги замон ижтимоий фанларида маданиятнинг этнографик тадқиқот предмети бўлган кўплаб ифодалари йиғилиб қолган. Лекин ҳар ҳолда, омиллар, умуман, маданият кенг маънода жамият яратган моддий ва маънавий бойликларнинг бутун тизимидир, деган фикрга келишган. Бунда маданият элементларининг ана шу икки гуруҳи бири-биридан айри ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирган ҳолда бўлади.

Ўзбек халқи маданиятини тадқиқ этишда унинг мазмундор элементлари диалектикасини очиб бериш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Урф-одатлар,

ахлоқ нормалари, маданий-ахлоқий кадриятлар жамулжам ҳолатда методологик жиҳатдан етарлича ўрганилмаган. Уларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш миллий ўз-ўзини англашнинг ўсишини, миллий урф-одатларнинг ижтимоий ахлоқ нормаларини тиклашни ва маънавий кадриятларни қайта англаш заруратини олдинги маррага чиқараётган ҳозирги замон ўтиш даври эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Маълумки, адолатни қатъий талаб қилиш, ижтимоий фаоллик, янгиликни излаш ёшларга хос фазилатлар ҳисобланади. Шу сабабдан ёшлар ўзларини ҳақиқат учун курашчи, деб эълон қилаётган айрим экстремистик ташкилотлар ғоялари домига тушиб қолмоқдалар.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг 1999 йил апрель ойида бўлиб ўтган ўн тўртинчи сессиясида “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” деб номланган маърузасида таъкидланганидек, “16 апрелдаги фожели воқеаларнинг иштирокчилари асосан ёшлар экани бизни, айниқса, ташвишлантиради. Бизнинг беғам ва лоқайдлигимиз, ишимиздаги камчиликлар оқибатида улар жиноий гуруҳлар, экстремистлар таъсирига, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолган.

Бу, аввало, сиёсий-ижтимоий соҳадаги муайян нуқсонлар, энг муҳими, ёшлар ташкилотлари ва маҳалла кенгашлари ишидаги катта камчиликларни кўрсатади. Мен бу масалада давлат ҳокимияти ва жамоат ташкилотлари барча бўғинлари раҳбарларининг айби борлигини таъкидлашга мажбурман”¹.

2000 йил апрель ойида “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган академик С.Ғуломов ва профессор В.Каримоваларнинг “Ижтимоий муҳит ва соғлом маданият” мақоласида² 1999 йил февраль ойидан кейинги ўтган давр мобайнида олий ўқув юртлирида олиб борилаётган тарбиявий ишлар хусусида шундай баён қилинади: “Охирги пайтларда шундай воқеаларнинг ҳам гувоҳи бўлдикки, факультетда аъло баҳога ўқиган талаба турли ақидапарастлар тўдасига қўшилиб ёки улар таъсирига берилиб, ўзидаги билимга, эзгулик йўлига бўлган эътиқодининг сустлигини кўрсатиб қўймоқда”. Кўриб турганимиздек, олий ўқув юртлирида аъло баҳоларга ўқиш ёш йигит-қизларнинг ахлоқан мустаҳкам ва эътиқодли бўлишининг ягона кафолати эмас экан”¹.

Ўзбекистон Президентининг 2000 йил сентябрь ойида “Халқ сўзи” газетасида босилиб чиққан “Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида”ги фармони республика ёшлари учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, унда шундай дейилган: “Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, оғир жиноятлар содир этамаган.., қўли қонга ботмаган, ўз қилмишидан надомат чекиб, пушаймон бўлиб бош эгиб келган шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилсин”. Ушбу ҳужжат ҳукуматимиз томонидан диний экстремистлар тарғиботига берилиб кетган ёшларга нисбатан олиб борилган инсонпарвар сиёсатнинг яққол далилидир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Ғ Т.:Ўзбекистон, 1999. 135-б.

² Ғуломов С., Каримова В. Ижтимоий муҳит ва соғлом маданият // Халқ сўзи. 2000. апрель

¹ Матбуотнинг ёшлар тарбиясига таъсири // Жамият ва бошқарув. 2003. №1

“Халқ сўзи” газетасининг 2001 йил 31 март сониди Музаффар Норматов диний экстремистлар қаторига адашиб кириб қолган ёш йигит-қизларни жавобгарликдан озод этиш ҳақидаги Президент фармонининг мазмуни ва қандай бажарилаётганлиги хусусидаги ўзининг “Энг сўнгги иқроп” мақоласини эълон қилди. Журналист фармоннинг инсонпарвар характерга эга эканлигини яхши, таъсирчан сўзлар билан таърифлаган: “Мазкур фармон, айтиш жоизки, инсонпарварлик, бағрикенглик намунаси сифатида ўнлаб ана шундай ёшларимизни тўғри йўлга бошлади. Фарзандларимиз ота-онаси, оиласи бағрига, муҳими, Ватанига қайтди”².

Васила Каримова ва Улуғбек Хайитовлар ёш йигит-қизларнинг қонунларни яхши билмасликларини ачиниш билан ёзадилар: “Талабалар юртимизда 1999 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун ҳақида эшитганлар, лекин уларнинг билим даражалари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Ёшлар орасида қонунни биладиганлар 30-31 фоизни, у хавда эшитганлар ўртача 45 фоизни, билмайдиганлар эса 21-22 фоизни ташкил этади”¹. Сўровларнинг талабалар орасида олиб борилганлиги келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди. Демак, агар сўров қишлоқ ва ишчи ёшлар орасида олиб борилганда, бу рақамлар анча пастроқ бўлиши ҳам мумкин эди. Ёшларнинг диний таъсирга берилиб кетишининг асосий сабабларидан бири ҳам шунда.

“Ўзбекистон овози” газетасида 2001 йил мобайнида диний экстремизмга оид учта мақола босилган. Улардан биттаси матбуотимиз томонидан деярли эсдан чиқарилган памфлет руҳида ёзилган. Мақола муаллифлари – А.Жумақул ва В.Олимлар экстремистик оқимга кириб қолган А.Бекмуродовни шу зайлда танқид қилади: “Ҳафизулло Абдулҳамидни илондай авраб, ўзига ром қилиб, онгини, руҳиятини ақидапарастлик оғулари билан заҳарлаб бўлган эди. Иродаси бўш, тор фикрлайдиган, мутеликка мойил Абдулҳамид қасамёд билан “Ҳизбут - таҳрир” уюшган тўдасига аъзо бўлди”².

Ёшлар газетаси бўлган “Туркистон” нашрида ҳам алоҳида эътиборга лойиқ бир неча мақола эълон қилинди. Масалан, газетанинг 2001 йил 17 октябрь сониди “Ҳаётимизда терроризмга ўрин йўқ” сарлавҳаси остида Н. Қурбонованинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраевдан олган интервьюси чоп этилади. Н.Жўраев диний терроризмнинг моддий асосини очиб беради. У ўзининг жавобларидан бирида шундай дейди: “Ёвузлик ва жаҳолат яшаши учун моддий замин, молиявий манба зарур бўлиб қолди. Бу манба айни ўша ногирон, майиб ва мажруҳ ҳаёлот махсули бўлган жаҳолат сингари инсоният ҳаётидаги фожеа тимсолидаги наркобизнес шаклида вужудга келди. Айтиш мумкинки, наркотик моддалар бутун жаҳон бозорининг энг ҳаридоргир “маҳсулот”ига айланди... Шундай қилиб, жаҳолат ва ёвузлик ўзининг бетимсол молиявий манбаига эга бўлди”¹. Қўмита раиси, шунингдек, диний экстремизмнинг

² Норматов М. Энг сўнгги иқроп. // Халқ сўзи. 2001. 31 март

¹ “Халқ сўзи”, 25 сентябрь 2001 йил

² Тарғиботда сусткашлик бўлмасин. // Жамият ва бошқарув. 2000. №2. 14-б

¹ Қурбонова Н. Ҳаётимизда терроризмга ўрин йўқ // Туркистон. 2001 йил 17 октябрь

нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда ташкил топиши ва яшашининг асосий сабабларидан бири тўғрисида қисқа ва жуда мазмунли қилиб сўзлаб берган.

Ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Халқ сўзи” (24 октябрь 2001 йил)да босилган “Замоннинг нафаси” мақоласи экстремизм масаласини ёритишга қандай ёндошиш кераклигига мисол бўла олади. Муаллиф шундай қайд этади: “Терроризм-дунёнинг маънавий ҳасталиги оқибати. Хўш, у қачон пайдо бўлди, илдизлари қаерда? Қандай йўллар билан бу илдизни қуритиш мумкин? Бу масалалар бўйича тарих нима дейди? Террорчиликни тарихдаги кўринишлари қандай бўлган ва унга қарши қай йўсинда кураш олиб борилган?”²

Шунга ўхшаш саволлар атрофида фикрлаш, баҳслашиш учун ёшлардан билим, идрок талаб қилинади. Худди шу усулдаги иш билан пухта сиёсатчиларни тарбиялаш мумкин бўлади”. Бу ерда публицист диншунослар ва сиёсатшунослар олдида турган қатор муҳим вазифаларни кўрсатиб беради.

Ўша куни чиққан “Туркистон” газетасида ҳам яхши умумий хулосалар бор. “Терроризмга қаршимиз” номли мақолада муаллиф М.Собирова қуйидагиларни таъкидлайди: “Дунё турли давлатлардаги турлича цивилизацияларга гувоҳ бўлган... Ҳар бир дарвнинг ўз ақидапарастлари ҳурофот ва жаҳолатга қоришган ғоялари билан цивилизацияга тўсқинлик қилганлар ва уларни таназзулга учратганлар”. Шундан кўриниб турибдики, Ўзбекистондаги диний экстремизм хориж таъсирида, шунингдек, Ватанимизнинг ўзида ҳам пайдо бўлган. Унинг ўзбек заминида мавжудлиги мустақил Ўзбекистон билан диний жаҳолатпараст қора кучлар ўртасидаги табиий қарама-қаршилиқда намоён бўлади. Шу билан бирга, ваҳобийлик ва “Ҳизбут - таҳрир” ғояларининг республикамизга олиб кирилишида асосан чет эл таъсири яққол сезилмоқда¹.

“Туркистон” муҳбири Ш.Жумаев газетанинг 2001 йил 24 октябрь сонида чоп қилинган “Адашган йигитлар армони” мақоласида бу мавзуда ёзишнинг яхши усулини кўллаган. Муаллиф мақолани қуйидаги сўзлар билан бошлайди: “Турли диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолаётган баъзи ёшлар билан танишар эканмиз, ёшлар бу хатосини тушуниб, надомат чекаётганлигига амин бўлдик”. Сўнг муаллиф хато қилиб қўйган бир неча ёш йигитларнинг сўзларини келтиради, лекин уларнинг фамилияси ва исмларини келтирмайди¹.

Айтиб ўтганимиздек, жуда яхши усул, лекин у охиригача етказилмаган. Муаллиф четда турган кузатувчи позицияси билан чекланган. У экстремистларнинг рухий ҳолатларига кириб бормаган, ҳаёт ва воқеликни улар қандай кўраётган бўлса, шундай кўрсата олмаган. Натижада ёшларнинг экстремистик ғояларга берилиб кетиш сабаблари аниқланмай қолган.

Кундалик русийзабон матбуот ҳақида гап кетганда шуни айта оламизки, “Народное слово” газетаси ушбу йўналишда фаол ишламоқда. Ўзбекистон Ахборот агентлиги муҳбири А.Иванова Олий таълим вазирлигида бўлиб ўтган мажлисда тўғрисидаги “Миллий ғоя устиворлиги” номли ҳисоботида вазир

² Тоҳир Малик. Замоннинг нафаси. // Халқ сўзи. 2001 йил 24 октябрь

¹ М.Собирова. Терроризмга қаршимиз. // Туркистон. 2001 йил 24 октябрь

¹ «Туркистон». 2001 йил 24 октябрь

С.С.Ғуломовнинг “Ёшларга ҳақиқий дин қадриятларини экстремизмнинг ёлғон, хавфли ғояларидан ажрата билишни ўргатиш ҳам зарур” (19 апрель 2000 йил), деб айтган ўринли сўзларини келтирган. Шунингдек, Н. Хўжаевнинг Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан туташ чегарасидаги воқеаларга бағишланган “Қаҳрамонлик” мақоласи, Л.Кучеренконинг “Ёшлар қалбини мазмун билан тўлдирайлик” эссеси ушбу мавзуда ёзилган долзарб мақолалар ҳисобланади.

Демак, юқоридагилардан маълум бўладики, ёшларнинг ҳар хил экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида тегишли ҳокимият органлари ва матбуот ходимлари жойлардаги ўқувчи ёшлар ва талабалар билан фаол иш олиб бормоқдалар.

2.2. МАТБУОТ ВА МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИК

Бугунги воқелик диний муносабатлар катта аҳамият касб этаётганини аниқ-равшан кўрсатмоқда. Бу республикаимизга турли диний оқимлар, секталарнинг хуружи ортиб бораётганида намоеън бўлмоқда. Мутаассиб, ақидапараст гуруҳлар, миссионер секталар жамиятимизга суқулиб киришга уринаётган экан, уларнинг моҳияти ҳақида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш, асл мақсадларини очиб беришда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) муҳим ўрин тутаяди. Зеро, президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “Оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятлари ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим”. Бу соҳада аҳолининг ижтимоий фикрини шакллантиришда ОАВ вакиллари, журналистлар алоҳида масъулиятга эга.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Сиёсат ҳақида гапирганда-сиёсатчи иқтисодиёт ҳақида-иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида-маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни, мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдида муҳим вазифа қилиб қўймоқда”¹.

Диний муносабатларнинг бугунги мафкуравий жараёнда энг муҳим таркибий қисм эканлигини ҳисобга олсак, юртдошимизнинг юқорида келтирган фикри диний мавзунини ёритадиган, шунингдек, унга масъул журналистларга ҳам бевосита тааллуқли.

Бугунги кунда диншунослик соҳасида етарли билим ва маълумотга эга бўлмаган, диннинг жамият ҳаётидаги ўрнини яхши англаб етмайдиган одамлар ҳам бу нозик ва мураккаб мавзуга қўл урмоқда, билиб-билмай ОАВ истеъмолчиларининг чалғишига сабабчи бўлмоқда. Аслида, бу ҳолат фикр эркинлиги ғоясига юзаки, бир томонлама ёндошув оқибатидир. Зеро, ҳар кимнинг ўз фикрига эга бўлиши билан бу фикрни ОАВ орқали ёйиш, яъни бошқаларнинг онгига таъсир кўрсатиш имкониятидан фойдаланиш фарқли

¹ www.press.service.uz

тушунчалардир. ОАВда диний мавзунинг ёритилишига бундай ёндошув номақбулдир. Чунки бу хусусда сўз юритаётганда Ўрта Осиё халқлари тарихи, минтақамиздаги бугунги вазият, ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, ислом динининг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти, унинг одамлар руҳий дунёсига кўрсатаётган таъсирини яхши тушунмайдиган, очикроқ айтсак, бу муаммонинг негизига етиб боролмайдиган муаллифларнинг чиқишлари учраб турганлигини таъкидлаш жоиз.

Масалан, айрим журналистлар виждон қоидаларини ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилмайдиган ўзгаришларни белгилайди ва республика Конституциясининг моддаларига, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур қонун белгиланган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир барча қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий тамойилларини белгилайди.

Қонунда белгиланган тамойиллар:

- қонун устиворлигини, ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатни ҳамда улар мустақиллигини таъминлаш;

- халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

- сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

- фуқаролик жамиятининг барча демократик институтларининг янада мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларини таъминлаш;

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш, Ўзбекистоннинг умумэтироф этилган демократик тамойилларга содиқлигини ва ўз ривожланиш тараққиётини шулар асосида қуришни мақсад қилиб қўйганлигини кўрсатади.

Қонунда, Ўзбекистон қонунчилик тажрибасида биринчи марта тегишли органларга сайлов ўтказишнинг аниқ муддати белгилаб қўйилди.

Конституциявий қонунда Ўзбекистоннинг қонун чақирувчи ҳокимияти амалга оширувчи орган – Олий Мажлис бўлиши, у олий давлат вакиллик органи ҳисобланиб, икки палатадан ташкил топиши кўрсатилди. Олий Мажлиснинг қуйи палатаси Қонунчилик палатаси, юқори палатаси Сенат деб номланди.

Қонунчилик палатаси кўп партиявийлик асосида округлардан сайланадиган 120 депутатдан иборат бўлиб, улар умумий, тенг, тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Қонунчилик палатасига 25 ёшга тўлган, Ўзбекистонда камида 5 йил муқим яшаган республика фуқаролари сайланади.

Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенатга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 6 кишидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг халқ депутатлари кенгашларининг қўшма мажлисида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси Президент томонидан тайинланади (жами 94 Сенатор). Сенаторнинг ёши 25 ёшдан кичик бўлмаслиги белгиланди. Ҳар икки палатанинг ваколат муддати 5 йил (Олий Мажлис аъзоларининг умумий сони 214 киши).

Қонунчиликнинг палатаси профессионал асосда, доимий фаолият кўрсатади. Уларнинг депутатлари педагогик ва ижодий фаолиятдан бошқа иш билан шуғулланмайди.

Сенат вақти-вақти билан чақириладиган мажлислари ва кўмиталари мажлислари орқали ўз фаолиятини амалга оширади.

Қонунда, қонун қабул қилиш ва кучга киритишнинг асосий қоидалари белгилаб қўйилди.

Қонун қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқуллангач, республика Президенти томонидан имзоланиб, қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади.

Қонун лойиҳаси белгиланган тартибда қонунчилик палатасига киритилади. Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонун Сенатга юборилади. Сенат қонунни кўриб чиқиб маъқуллаши ёки рад этиши мумкин. Рад этилган қонун қонунчилик палатасига қайтарилади. Қонунчилик палатаси умумий сонининг учдан икки қисмининг овози билан қонунни маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади. Иккала палата юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Ўзбекистон қонунлари референдум йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Конституциявий қонун Олий давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий ҳолатларини белгилаб қўйди. Шу билан бирга, 7-моддада “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг вакиллари ҳамда фаолият кўрсатиш тартиби, шунингдек, қонунчилик палатаси депутатларининг ва Сенат аъзоларининг мақоми қонунлар билан белгиланади”,¹ - деб қайд қилинган. Бу мамлакатимизда ҳали кўплаб масалалар бўйича аниқ қонунлар ишлаб чиқиш заруратини туғдиради.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан ана шундай қонунлар лойиҳасини тайёрловчи махсус ишчи гуруҳи ташкил қилинган бўлиб, гуруҳ бу йўналишда фаол иш олиб бормоқда.

Давлат ҳокимияти тизимида, умумий давлатчиликда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи орган алоҳида ўрин тутаяди. Парламентнинг вужудга келиши давлат бошқаруви соҳасида муҳим аҳамият касб этди. Шу туфайли, яқка ҳукмронлик чекланди. Давлат бошлиғи фаолияти устидан самарали ва таъсирли назорат ўтказиш имконияти, мамлакатда маълум

¹ Султонов Т. Истиқлол умидлари ва матбуот // Жамият ва бошқарув. 2004. №1

ижтимоий муносабатларни қонун асосида тартибга солиш амалиёти пайдо бўлди. Энг муҳими ҳокимиятни амалга оширишда халқнинг иштироки таъминланди ва халқ вакиллиги вужудга келди. Шунинг учун парламентнинг ҳокимият тизимида вужудга келишини демократиянинг энг муҳим ғалабаси, дейиш мумкин. Бир ярим аср аввал айтилган “Ваколатчи демократик жамиятда қонун чиқарувчи ҳокимият халқнинг кўзи, қулоғи ва овози вазифасини ўтайди”, -деган таъриф ҳаётда ҳақиқатдан ўз ўрнини топди. Бу орган турли мамлакатларда турлича номлар билан аталса-да, уларнинг барчасига парламент атамаси қўлланилади.

Ҳозирги кунга келиб шу нарса аниқ бўлдики, ҳаётга мос ва салобатли қонун чиқарувчи ҳокимият ва жараён бўлмаса, ҳеч бир давлат муҳолифат овозлари, ҳукумат ҳисоботи ва фуқаролар ташвишини эшитиш учун етарли ва узоқ муддат ишлашга қодир демократик воситаларга эга бўла олмайди.

Инглиз тилининг ОКСФОРД луғатида “қонун чақирувчи ҳокимият” ибораси “бирор худудда ёки давлат миқёсида қонун чиқариш ваколатига эга шахслар гуруҳи”, -деб талқин этилган.

Аmmo бу таъриф қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг хилма-хил ва кенг қиррали фаолиятини бир қисмигагина тааллуқли бўлиб, аслида, қонун чиқарувчи ҳокимият – парламентнинг фаолияти анча кенг, масалан, ҳукуматни тузишда иштирок этиш, унинг фаолиятини назорат қилиш, ташқи ва ички сиёсат асосларини белгилаш, маъмурий-худудий тузилишни ҳал қилиш ва ҳоказолар. Бизнинг қонунчи организмиз Олий Мажлис бўлиб, у суд ва прокуратура органларини ташкил қилишда ҳам иштирок этади¹.

Ҳар қандай демократик жамиятда ҳокимият ва демократия қай тариха фаолият кўрсатиши аниқланар экан, қонун чиқарувчи ҳокимиятни қандай шакллантириш, унинг аъзоларини сайлаш, унинг зиммасига қандай ваколатлар юклаш, парламентдаги озчиликнинг ҳуқуқларини қандай таъминлаш, ички фаолиятини қандай белгилаш масалаларини аниқлаш ҳал этувчи аҳамият касб этади.

Етарли ва илмий асосланган назарий қоидалар ва уларнинг қонунларда мустаҳкамланиши асосида вужудга келган Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ҳокимият органи – Олий Мажлис Ўзбекистонга хос равишда шаклланди ва демократиянинг самарали воситаси сифатида, мамлакатда хусусий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, бозор муносабатларини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда парламент ислоҳоти кун тартибига қўйилди.

Аввало нима учун парламентнинг бир палатали тузилишдан икки палатали тузилишга ўтиш йўли танланмоқда?- деган савол туғилади. Гап шундаки, парламент нафақат ҳокимият тизимида, умуман, мамлакат ва унинг аҳолиси тақдирида катта ўрин тутди. Парламентнинг қандай ташкил қилинганига қараб, мамлакатга баҳо бериш, унинг қандай йўл тутганини аниқлаш мумкин. Парламент халқ ҳокимиятининг энг ишончли ва ёрқин

¹ Султонов Т. Истиқлол умидлари ва матбуот // Жамият ва бошқарув. 2004. №1

кўринишидир. Парламентсиз бирон бир мамлакатда халқ ҳокимиятининг тўла амалга оширилишига ишониш қийин.

Парламентнинг ўз зиммасига юкланган вазифаларини тўла ҳал қилишида, ҳокимият тизимида муносиб ўрин тутишида, унинг таркибий тузилиши муҳим рол ўйнаганлиги учун ҳар бир мамлакат, давлат тузилиши шаклидан қатъий назар, уни бир ёки икки палатали тузилишда белгилайди. Бунда давлатнинг мақсади, демократияга ёндошув, манфаатларни тўлароқ ҳисобга олиш, тарихий хусусиятлар, анъаналар, жаҳон давлатчилиги тажрибаси эътиборга олинади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни ташкил қилиш, шакллантиришнинг икки йўли мавжуд. Биринчиси, энг демократик мамлакатлар демократик парламентларининг тузилиши, фаолиятини шундайлигича кўчириб олиш, бу энг осон йўл. Иккинчиси, демократик парламентларнинг тажрибасини ўрганиб, ўзимизнинг хусусиятларга мослаб, миллий анъаналаримиз билан бойитган ҳолда мамлакат парламентини шакллантириш. Бу анча мураккаб, машаққатли ва шу билан бирга, тўғри йўл. Чунки бошқа давлатларнинг парламентлари фаолияти қанчалик демократик, салобатли, обрўли, намунали ташкил қилинмасин, бизнинг шароитга тўғри келмаслиги мумкин.

Ўзбекистон мустақиллик туфайли ўз парламентини ташкил қилиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги кунда икки палатали парламентга ўтишнинг кун тартибига чиққанлиги, дастлаб Ўзбекистон парламентини бир палатали қилиб ташкил этиб хато қилган экан,-деган хулосани асло келтириб чиқармаслиги керак. Чунки мустақилликнинг илк даврида парламентни бир палатали шаклда ташкил қилиш ўша пайтдаги шароит тақозоси эди. Ва шу парламент бир неча муҳим вазифани бажарди, яъни: биринчидан, бир палатали парламентимиз жуда кўп соҳаларда қонунларни тезкорлик билан қабул қилишдек муҳим вазифани муваффақиятли бажарди ва қонунчилик соҳасида бўшлиқ бўлишига йўл қўймади; иккинчидан, шу ўтган даврда парламентда доимий ишловчи депутатлар билан ишидан ажралмаган ҳолда фаолият кўрсатган депутатлар фаолиятидаги фойдали жиҳатлар қўшилган ҳолда иш олиб борилди; учинчидан, бу гуруҳ депутатларнинг ишдан ажралган ҳолда парламентда ишлаши профессионал депутатлик фаолиятига ўтиш учун мактаб вазифасини ўтади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги иштироки, унинг демократияни чуқурлаштириш йўлидан бориши, қонунчилик сифатини янада яхшилаш зарурлиги ва айниқса, давлат қурилиши ва бошқарувни эркинлаштириш мамлакатимиз ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланиши парламентни ҳам ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқаради. Мамлакатимизда Президент томонидан икки палатали парламентга ўтиш ғояси шунчаки, сабабсиз илгари сурилгани йўқ. Бу ғояни илгари суришда ривожланган давлатлар парламентаризми тажрибалари, 2000 йилдан 14 мартда Парижда бўлиб ўтган жаҳон сенатлари вакилларининг маҳсус анжумани тавсиялари ва парламентда профессионал фаолият асосида иш юритиш қобилиятига эга бўлган малакали юристларимиз, иқтисодчиларимиз, сиёсатшуносларимиз шакилланганлиги ҳамда вакиллик демократиясини янада кенгайтириш зарурияти эътирофга олинди.

Ҳозир мўлжалланганидек, икки палатали парламентнинг қуйи палатаси профессионал асосда ишлайди. Қуйи палата депутатларининг қонун яратиш ва қонун қабул қилиш билан шуғулланиши уларнинг мустақиллигини кучайтиради, қонунларнинг мукаммал бўлишини таъминлайди. Парламентда юқори палатанинг мавжудлиги эса, қонунларнинг янада мукаммал бўлишини, шунингдек, йўл қўйилган баъзи камчилик ва хатоларни тузатиш минтақалар манфаатини ҳимоя этишни таъминлайди, бу ҳозирги кунда кенг миқёсда эътироф этилмоқда.

Парламентнинг икки палатали тузилиши, аввало, парламентнинг профессионал бўлишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, депутатлик фаолиятини ҳар қандай хизмат, мансаб билан қўйиб олиб боришга барҳам бериб, ҳокимият бўлиниши тамойилининг янада кенгроқ амал қилишига имконият яратади. Парламентнинг ижро ҳокимияти устидан назоратини кучайтиради.

Ўзбекистонда ўтказилган референдум натижалари асосида, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган конституциявий қонун, парламентни ташкил этишда қўлланиладиган барча демократик тамойилларни тўла сақлаб қолди ва шу билан бирга янги тамойилларни мустаҳкамлади. Масалан, парламентнинг юқори палатаси – Сенатнинг поғонали сайлов йўли билан ташкил қилинишининг белгиланиши, сайлов тизимимизга янги жиҳатлар киритилишини кўзда тутди. Сайлов тизимимиз тўғри ва поғонали сайлов тамойилини қўшиб олиб борилиши натижасида бойийди.

Олий Мажлисида қабул қилинган “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг асосий вазифаси умумхалқ овоз бериш натижаларидан келиб чиқадиган (Масалан, Президент ваколатини 5 йилдан 7 йилга ўзгартириш ва икки палатали парламент ташкил қилиш) янги асосий эркинлиги ва эътиқод эркинлиги тушунчаларини фарқламай истифода этадилар. Хатто Ўзбекистон Республикаси қонунининг номини ҳам “Эътиқод эркинлиги ва ...” тарзида бузиб бериш ҳоллари учрайди. Ваҳоланки, эътиқод эркинлиги деганда ҳар қандай динга эътиқод қилиш мумкинлиги тушунилади, виждон эркинлиги тушунчаси эса, ундан анча кенгдир. Виждон эркинлиги деганда исталган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик мумкинлиги назарда тутилади. Бир қарашда виждон эркинлиги билан эътиқод эркинлиги тушунчалари орасидаги фпрқ аҳамиятсиз бўлиб туюлиши мумкин. Лекин қонун масаласида аҳамиятсиз нарсанинг ўзи бўлмайди. Шу сабабли ҳам бундан бир неча йил аввал АҚШ Сенатида бу масала катта баҳсга сабаб бўлган ва Сенаторлар бу соҳадаги қонуннинг юқорида келтирилган таърида тўхтаганлар.

Фикрни ифодалашдаги эҳтиётсизлик, билим ва маълумотнинг етишмаслиги оқибатида баъзи чиқишларда диний хурофот ва бидъатлар “қўллаб-қувватланиб” қолмоқда. Ислом тарихида исломдан олдинги, хурофот авжига чиққан давр жоҳилия деб юритилади. Ислом динининг сал кам бир ярим минглик тадрижий тараққиёти давомида жоҳилия даврига хос қўллаб хурофот унсурлари барҳам топди. Шунга қарамай, бугунги даврда XXI асрда аҳоли

ўртасида “қўй” ҳақида хурофий фикрлар тарқалди. Диний хурофотга муносабат билдириш, албатта, дин пешволарининг вазифаси. Аммо бир журналистнинг “нима учун ўша қўйни зиёрат қилиб, тавоф қилиш учун Марғилонга келаётган минглаб фуқароларга ҳокимият шароит яратиб бермаяпти?” мазмунида мақола билан чиқиш қилмоқчи бўлганини қандай баҳолаш мумкин?

Баъзи газеталар турли манбалардан олинган ривоятларга кўп ўрин беради. Албатта ахлоқ-одоб мавзусидаги ривоятлар муайян тарбиявий вазифани бажариш қобилиятига эга. Лекин бундай ривоятларга мурожаат қилганда, хусусан, газетадай катта таъсир кучига эга матбуот воситасида чоп этганда бугун XXI аср эканини унутмаслик лозим, акс ҳолда ривоят маънавий-маърифий эмас, унга зид-тарихий қадриятларимизга истехзоли қарашни шакллантиришга хизмат қилиб қўйиши мумкин. Мисол учун “Халқ сўзи” газетасида босилган бир мақолада ёзилишича Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг “руҳи поки” душманнинг бутун лашкарини ер билан яксон қилган, унинг устози Юсуф Ҳамадоний эса Ҳизр алайҳиссалом билан сўзлашган эмиш. Ҳолбуки, Гиждувоний ҳам, Ҳамадоний ҳам муайян саналарда яшаган реал тарихий шахслар бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида етарлича илмий маълумотларга эгамиз. Бундай ҳолатларни бошқа газета ва журналлардан ҳам келтириш мумкин, лекин юқоридаги мисол барча нашрлар учун ибратли бўлса керак¹.

ОАВнинг асосий вазифаларидан бири демократик давлат ва фуқаровий жамият талабларига мувофиқ равишда ижтимоий фикрни шакллантиришга фаол ҳисса қўшишдир. Бу йўналишда миллий ахборот воситаларимиз олиб бораётган катта ҳажмдаги ишни эътироф этган ҳолда, бу ишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида айрим камчиликларни санаб ўтишни лозим топдик. Сўнгги вақтларда республиканинг даврий нашрлари саҳифаларида ислом динининг тинчлик, саҳоват, оқибат дини эканини, унинг эзгулик, мусулмон кишининг фазилатларини шакллантиришга хизмат қилувчи моҳиятини очиб берадиган мақолалар деярли чоп этилмай қўйди. “Зиё” студияси ҳамда “Ҳидоят сари” кўрсатувининг чиқишларини ҳисобга олмаганда, бошқа дастур ва каналлар диний мавзуни четлаб ўтмоқда. Ҳолбуки, хорижий радиостанциялар, халқаро нодавлат ташкилотларига хизмат қилувчи журналистлар учун диний мавзу асосий мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Бундай журналистларнинг ҳаммаси ҳам масалага холис ёндашади дейиш қийин. Шунинг учун мавжуд ҳолат воқеликни бузиб кўрсатиш, хатто диний вазиятни чигаллаштирадиган муҳит пайдо бўлиши учун замин яратиши мумкин.

Ҳозирги замон илм-фанига тааллуқли (табиатшунослик фанларигина эмас, балки, зарур ҳолларда диншунослик, руҳшунослик каби ижтимоий фанлар ҳам назарда тутилади) мақолаларни малакали ва холис мутахассис тақризидан ўтказиб, сўнг эълон қилиш мақсадга мувофиқлиги маълум. Амалда эса мутахассис тақризидан ўтмаган мақолаларнинг нашр этилиши аҳоли ўртасида нотўғри маълумотларнинг тарқалишига тушунмовчиликларнинг

¹ Султонов Т. Истиқлол умидлари ва матбуот // Жамият ва бошқарув. 2004. №1

вужудга келишига замин яратмоқда. Масалан, “2002 йил 11 августда охири замон бўлармиш, зилзила бўлиб, ер ёрилармиш” каби хабарлар кўпгина шов-шувларга сабаб бўлди.

Юқорида ОАВнинг бунёдкорлик қудрати нақадар салмоқли экани таъкидланди. Мана шу салоҳиятнинг амалдаги самарадорлигини таъминлаш ОАВ ходимлари ва мутасаддиларидан ўз иш услубларини мунтазам такомиллаштириб боришни талаб этади. Тажрибалар кўрсатдики, оммага нотўғри маълумот берадиган битта чиқишнинг салбий таъсирини ювиш учун қатор мақолалар чоп этиш, суҳбатлар ўтказишга тўғри келади. Шунинг учун қуйидаги амалий таклиф ва тавсиялар бу соҳадаги камчиликларни енгиб ўтишга хизмат қилиши мумкин.

Биринчидан, диний мавзудаги илмий ва оммабоп мақолаларни нашр этишдан олдин, уларнинг нозиклигини эътиборга олиб, Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги эксперт гуруҳидан тақриз олиш мақсадга мувофиқ. Айни пайтда ОАВ ходимлари бунинг сензура эмаслигини тўғри англашлари лозим.

Иккинчидан, республикамизда турли дин вакиллари ёнма-ён истиқомат қилишини эътиборга олган ҳолда, диний бағрикенглик ва динлараро тотувлик ғояларини акс эттирувчи маълумотларни кўпроқ эълон қилиш, шунингдек, диний экстремизм тарқалишининг олдини олишга қаратилган чиқишларни мунтазам олиб бориш керак. Жумладан, турли дин вакиллари кўни-кўшничилик шароитида ўзаро тинч-тотув, бир маҳалла, бир оила бўлиб яшаётган ҳаётий лавҳаларни кўпроқ эълон қилиш диний бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб қилишда синалган воситадир.

Учинчидан, диний мавзуни маънавият, илм-маърифат ва маданият билан ҳамоҳангликда ёритиш, соф диний масалаларга бағишланган чиқишларни эса, албатта, мутахассис-олимлар, диний арбоблар иштирокида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, диннинг аҳоли ҳаёти ва онгида катта ўрин эгаллашини, диний эътиқоднинг кўплаб унсурлари миллий истиқлол ғоясига таркибий қисм бўлиб кирганини ҳисобга олган ҳолда, ОАВ вакиллари билан диний соҳа мутахассислари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш зарур. Республикамизда дин соҳасида яратиб берилган шароитларни, олиб борилаётган ислохотлар ва эришилаётган ютуқларни рўйи-рост очиб бериш талаб даражасида эмас. Турли ақидапарастлик ёки миссионерлик билан шуғулланаётган оқимларни фош этишда зарур бўлган хужжат ва маълумотлар билан ОАВни таъминлашда, газета ва журналларда мақолалар чоп этишда мухбирлар Дин ишлари бўйича қўмита билан яқин, бевосита мулоқотда бўлишса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Хусусан, минг йиллар давомида миллий қадриятларимизга айланган ва маданиятимизга сингиб кетган маърифий исломни афкор оммасига, айниқса, ёшларимизна тўғри етказиш мақасида илмий-оммабоп кўрсатув ва мақолаларни кўпайтириш, сифатини ошириш лозим. Бу борада публицистлар дин арбоблари ва диншунос олимлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари керак. Айни пайтда сиёсийлашган, ғаразли исломий оқимларнинг соф исломий маърифатдан фарқини тушунарли ва асосланган тарзда очиб беришга

йўналтирилган, мутаассиб оқимларнинг ғайриисломий ғояларини фoш этувчи мақола ҳамда чиқишлар мунтазам ва изчиллик билан олиб бoрилиши зарур¹.

Жаҳон афкор оммасида Ўзбекистондаги жараёнлар ҳақида кенгқамровли тўғри тасаввур пайдо бўлиши учун интернет тизимидан янада унумлироқ фойдаланиш лозим. Чунки ахборот олиш қанчалик муҳим бўлса, воқеликни тўлиқ ва тезкор ҳолда етказиш ундан ҳам муҳимроқ эканини унутмаслик даркор.

ОАВдаги диний мавзудаги чиқишларнинг қуйидаги тамойилларига асосланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- маърифий тарбиянинг умумбашарий қадриятларга мувофиқ келиши ва замон билан ҳамнафас бўлиши;

- мавзуни ёритишда илмийлик, ҳолисликка қатъий амал қилиш;

- динни қўпол атеистик руҳда, диндорларнинг эътиқодини ҳақоратлайдиган, камситадиган тарзда танқид қилиш ёхуд уни мутлоқлаштириш, виждон эркинлигига конституциявий меъёрни бузиш, диний ваъзхонликка бeрилиш, бир динни иккинчисидан устунлигини тарғиб қилиш каби ҳолатларга мутлақо йўл қўймаслик;

- у ёки бу дин асосларини тушунтиришда кўпроқ диний матнлар, асосий манбаларга таяниш, масалаларни мана шу асосда таҳлил қилиш, ривоят, афсоналардан эса ўз ўрнида ва меъёрида фойдаланиш;

- дунё ва Ўзбекистондаги динларнинг тарихи ва бугунги ҳолатини ҳолислик билан миллий истиқлол ғоясига асосланган тарзда ёритиш;

- зардуштийлик, буддавийлик ва ислом динларининг юртимиз тарихида тутган ўрнини кенг ёритиб бeриш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур тавсия ва тамойиллар жамиятимизнинг барча бўғинлари хизмат қилаётган раҳбар ва мутасадди ходимларининг ўз зиммасидаги вазифани муваффақият билан бажаришига кўмаклашади, журналистларни эса, ўз фаолиятига танқидий кўз билан қараб, ОАВда йўл қўйилаётган айрим камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга ундайди.

¹ Султонов Т. Истиқлол умидлари ва матбуот // Жамият ва бошқарув. 2004. №1

ХУЛОСА

Малумки, оммавий ахборот воситалари тизимининг ривожини жамиятимизнинг барча соҳаларини демократлаштиришда, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллашида, олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири - жамиятимиз ҳаётида сўз эркинлиги тамойилини тўла татбиқ этиш ва бу борада ривожланган давлатлар эришган даража ҳамда андоваларга етиб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бутун дунёда одамлар турмуш тарзига умуминсоний кадриятлар, хусусан, халқаро демократиянинг норма ва принциплари жадаллик билан кириб келаётган ҳозирги шароитда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек, **“Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак”**.

Бу мақсадда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолияти учун ҳар томонлама зарур шарт-шароит яратилаётир.

Аввало, қонунчилик соҳасида муайян ишлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига бевосита ва бевосита тааллуқли ўндан ортиқ қонун қабул қилинганлигининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Истиклол йилларида мамлий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти учун зарур ҳуқуқий қафолат ва шароит барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида юртимиз оммавий ахборот воситаларининг таркиби, сони, тури, сифати, мазмун-моҳияти, фаолият доираси ва кўлами, жамиятдаги мақоми тубдан ўзгарди.

Эътиборли жиҳати шундаки, матбуот, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқидан ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс фойдаланиш имконига эга бўлди. Эндиликда оммавий ахборот воситалари муассислари сафида давлат ташкилотларидан ташқари, нодавлат нотижорат ва тижорат ташеилотларини, хусусий шахсларни кўриш мумкин.

Журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини барча жабҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида кишиларимизнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақасида матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериляпти.

2002 йил июнда Президент Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил қилингани худди шу мақсадларга қаратилгандир.

Ҳозирги кунда, мамлакатимизда 507 та газета ва 157 та журнал рўйхатга олинган. Газеталарнинг бир марталик тиражи 2 миллион 100 минг нусхага етган бўлса, журналларнинг бир марталик тиражи эса 839 минг 600 нусхани ташкил этган.¹

Ушбу даврий нашрлар орасида, табиийки, “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журнали ўз ўрни, мавқеи ва алоҳида мавзулар кўлами билан ажралиб туради.

Айниқса, журнал доимий муаллифларидан бири – Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Шарқ мамлакатлари архитектураси халқаро академияси фахрий академиги Галина Пугаченкованинг журналимиз ҳақидаги фикрлари алоҳида диққатни тортади:

- Бундай журналнинг пайдо бўлиши давр тақозосидир ва у тўлалигича ҳозирги замон руҳига жавоб бера олади, - дейди таниқли олима. – Бу жамиятимизнинг энг муҳим муаммоларига бағишланган ҳаётий мулоқотлар, қизиқарли ва теран таҳлиллар ҳисобига маънавий эҳтиёжларимизни қондириш йўлидаги муваффақиятли қадамдир. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида шуғулланувчи мутахассислар кўп, аммо яқин-яқингача уларнинг бу борадаги билими, самарали изланишлари, илмий натижалари тор касбий доирадагина тарқалар эди, холос.

Мазкур журнал ана шу тор доираларни кескин кенгайтириш, мамлакат миқёсидаги энг муҳим масалаларни кенг жамоатчилик муҳокамасига чиқариш имконини берди ва унинг саҳифаларида айна шу жамоатчилик фикри атрофлича ёритилаётгани айна муддаодир.

Ҳозирча “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” гуманитар журнали марказий Осиё минтақасида ана шу йўналишда чоп этилаётган ягона нашр ҳисобланади¹.

Таҳририят ижодий ходимлари Президентимизнинг: **“жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунча ва тафаккурга эга одамлардан иборат, деб ҳисоблаш катта хато бўлур эди”**, деган қимматли ўғитларига амал қилиб, журналнинг ҳар бир сони, ҳар бир саҳифасидан мана шундай турли хил қарашлар, ўзаро қарама-қарши, айна чоғда жуда қизиқарли ва фойдали бўлган фикрларга кенг ўрин беришга интилиб келаётир.

Дарҳақиқат, муштарийлар фикрига қўшилмаслик мумкин эмас. Юртбошларимизнинг: **“Ҳаммамиз шуни чуқур англаб олишимиз керакки, ҳар хил ҳуфёна гаплар, миш-миш, уйдирма, бўҳтон ва овозалардан фойдаланмасдан, одамлар бундай маълумотлар ва гаплардан матбуот орқали хабардор бўлса, бундан давлат ҳам, жамият ҳам фақат наф кўради. Жамият ҳаётининг томир уришини белгилайдиган матбуот ва ахборот соҳасида шундай сиёсат юритилганда, турли пинҳона хатти-харакатлар**

¹ Саидов Акмал. Инсон ҳуқуқлари ва оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик фикри.// Ижтимоий фикер. Инсон ҳуқуқлари. 2002. №3. 113-б.

¹ Саидов Акмал. Инсон ҳуқуқлари ва оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик фикри.// Ижтимоий фикер. Инсон ҳуқуқлари. 2002. №3. 113-б.

учун ҳеч қандай асос қолмайди” деган сўзлари журнал таҳририяти ижодий ходимлари учун доимий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.¹

Энг муҳими, ўтган йиллар давомида журнал саҳифаларида ижтимоий фикрни шакллантиришда ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясида ўзига хос ўрин тутадиган оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ масалаларга доир кўплаб мақолалар ва шарҳлар, илмиё тадқиқотлар чоп этилди.

Журналнинг “матбуот социология” рукни остида ана шу мавзуга тааллуқли қизиқарли ва кенг қамровли материаллар мунтазам равишда бериб борилмоқда. Қ.Эрназаровнинг “Ўзбекистон ОАВ: ўзига ишончни қандай қозониш мумкин?” (1999 йил, 1-2 (5-6) - сон), О. Сизинцеванинг “Тўртинчи ҳокимият мезонлари” (2000 йил, 1-2 (9-10) - сон), А. Чориевнинг “Оммавий ахборот воситалари ва шахс, жамият, давлат манфаатлари уйғунлашуви” (2002 йил, 1 (17) – сон) каби мақолалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ё. Маматованинг “Ҳокимнинг рафиқаси” дала ишларида ёхуд яна оммавий ахборот воситаларига ишонч ҳақида (1999 йил, 3-4(7-8)-сон) номли мақоласида журнализмнинг аввалги сонларида бошланган ҳозирги демократик жараёнларда матбуотнинг ўрни ва аҳамияти мавзуси давом эттирилади. Муаллиф журналистларимиз танлаган йўллардан қайси бири “буюртмачи”ларнинг манфаатларига, қайси бири эса ҳақиқий ҳалоллик ва сўз эркинлигига хизмат қилиши ҳақида мушоҳада юритади.

Л. Султонова “Ўқувчи дилига йўл топишда муҳими чалғимаслик” (2001 йил, 1 (13)-сон) мақоласида оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги сўзбозлик сингари жиддий нуқсон ҳақида мулоҳаза юритилган. Муаллиф профессионал журналистлар ва талабалар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар асосида бир қолипдаги ахборотнинг биринчи навбатда ёшларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигидан огоҳ этади.

О. Сизинцеванинг “Германия матбуотида Ўзбекистон мавзуси” (2001 йил, 1 (13)-сон) мақоласи эса мамлакатимизда юз берган ўзгаришлар Германия матбуоти саҳифаларида қай йўсинда ўз ифодасини топаётгани хусусидадир. Унда мазкур мамлакатда чоп этиладиган бир неча йирик газета ва журналларнинг 1993-1999 йиллардаги сонлари таҳлили мисолида фикр юритилган. Мақолада Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот маконига дадил кириб бораётгани эътироф этилиб, немис нашрларида ҳозирги пайтда юртимизда кечаётган воқеаларни назарий баҳолаш устунлик қилишига эътибор қаратилади. Албатта, журнал ижодий жамоаси оммавий ахборот воситалари муаммолари билангина чекланиб қолгани йўқ.

Унда “Демократия дорилфунунлари” деган рукн бўлиб, бу рукнда асосан таниқли сиёсатчилар, давлат арбоблари ва нуфузли олимларнинг мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқини тафаккур ва одамлар сиёсий онгини ўтган даврнинг қотиб қолган антидемократик ақидаларидан озод қилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва юртимизда

¹ Саидов Акмал. Инсон ҳуқуқлари ва оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик фикри.// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2002. №3. 114-б.

амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳатларнинг мазмун моҳияти ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган қамровли ва муҳим масалалар юзасидан илғор фикр-мулоҳазаларига кенг ўрин берилган. Бундан ташқари, бошқа бир қатор рукнларда инсон ҳуқуқлари, миллий ва миллатлараро муносабатларга тааллуқли масалалар мунтазам ёритилмоқда. Бундан ташқари, журнал саҳифаларида жамиятимизда мамлакатимиздаги мавжуд барча диний конфессияларга чуқур ҳурмат билан қарашдек ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим дунёвий хусусияти шаклланиши, конфессиялараро тотувлик мувозанати таркиб топгани, бундай мувозанатни истиқболда сақлаб қолиш ва ривожлантириш омиллари теран таҳлил этилган бир қанча мақолалар эълон қилинди.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган турли социологик тадқиқотлар асосий хулоса ва натижаларининг доимий равишда эълон қилиб борилиши ҳам журнал саҳифаларининг мазмунан хилма-хиллигини таъминлашга бевосита хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журнали номидан, мақсад ва муддаоларидан келиб чиқиб, аввало, ижтимоий фикрга таянмоқда. Ўз олдига қўйган муҳим вазифа-ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янгилаш, энг асосийси, инсоннинг, фуқароларимизнинг ўзини-ўзи ислоҳ этиш, яъни ўзининг сиёсий, иқтисодий фаолиятини кучайтириш ва ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш борасидаги интилишларини имкон қадар кенгроқ қамраб олувчи долзарб муаммоларни ёритиб беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса унинг “тўртинчи ҳокимият”нинг муҳим узвий қисми сифатида қабул қилинишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, хусусан, оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш ва демократлаштириш, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш борасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ҳаётбахш ислоҳатлар эса бизга бу борада янгидан-янги имкониятлар очиб бераётир.

Яқин тарихимизда оммавий ахборот воситалари ялписига партия-давлат бошқарувининг яқка ҳукмронлиги остида фаолият юритишга мажбур этилган бўлса, истиқлол йилларида қабул қилинган бир қатор қонунлар натижаси ўлароқ, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқини қўлга киритган субъектлар қўлами жиддий равишда кенгайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида кишиларимизнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг қўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериляпти. Мисол учун, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш

тўғрисида”ги Фармонининг прогрессив аҳамияти шундаки, янги ташкил этилган тузилма – Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги ноширлик ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш, шу жумладан, мазкур фаолият турларида рўйхатга олиш ишларини бажариш соҳаларида давлат сиёсатини амалга оширар экан, унга цензура, таҳрир қилиш, тақиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда ғайриқонуний аралашини қатъиян ман этилади. Соддароқ айтганда, ушбу ҳужжатда янги тузилманинг мақсад ва вазифалари демократик тамойилларга мос равишда белгилаб берилган.

Зеро, бизнинг жўшқин давримизда барча соҳаларда бўлаётгани каби оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлидаги эътиборга молик ижобий натижаларимиз, илғор ютуқларимиз изчиллик билан қонунларимизда ўз аксини топиши, қонунларимиз билан мустаҳкамланиши айни муддаодир.

ТАВСИЯЛАР

Кучли давлатдан-кучли жамият сари одимлаётган республикамизда учинчи ва тўртинчи ҳокимият ҳамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор берилиши ҳам замон талабидир.

Маълумки, суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар муайян ҳуқуқий базага таянади. Ушбу муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий базани шартли равишда учга бўлиш мумкин:

- 1) халқаро меъёрлар;
- 2) конституциявий меъёрлар;
- 3) қонунлар ва қонуности ҳужжатлар меъёрлари;

Ўзаро муносабатларимизнинг халқаро ҳуқуқий асоси сифатида “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол”ни, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда бошқа халқаро ташкилот ва альянслар олдидаги мажбуриятларини, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан суд-ҳуқуқ соҳасига, ахборот сиёсатида доир тузган битим ва шартномаларини тилга олиш мумкин.

Суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари муносабатларининг конституциявий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида қайд этилган.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда суд ҳокимиятининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи муҳим база-қонунлар ва қонуности ҳужжатлар меъёрларидир. Буларнинг Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини, Фуқаролик процессуал кодексини, Жиноят кодексини, Жиноят-процессуал кодексини, Хўжалик процессуал кодексини, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини, шунингдек, “Судлар тўғрисида” ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Наширлик фаолияти тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Архивлар тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонунларни киритишимиз мумкин¹.

Ҳар қандай ижтимоий ислоҳатлар, шу жумладан, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳам ахборот таъминотига муҳтождир. Суд ҳокимиятининг самарали фаолият юритиши, аҳоли ишончига сазовор бўлиши журналистларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни талаб этади. Журналистларнинг ҳуқуқий соҳа бўйича ихтисослашувини таъминлаш олдимизда турган кўплаб муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилади. Бундан ташқари, суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабатни янада яхшилаш, янги босқичга кўтариш учун қатор ташкилий ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Масалан, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган суд фаолиятига оид материалларни таҳлил этиб бориш, бу таҳлиллар асосида суд ва ОАВлари ходимлари учун аниқ тасвирлар ишлаб чиқилса ҳамда хорижий мамлакатларнинг суд ҳокимияти билан ОАВларнинг муносабатларига доир тажрибаларини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

¹ Ўзбекистон матбуоти. 1996 йил. №4

ОАВлари ҳақидаги қонунларнинг қабул қилиниши конкрет шароитдан, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнлар туфайли келиб чиққан ҳодиса бўлиб, ўлкамизда турли фикрлар ва қарашлар ривожланиб бораётганини ҳамда демократик кадриятларнинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олганлиги аломатидир. Демак, журналистиканинг жамиятда “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги ўрни демократиянинг ёши, сифати, тажрибаси ва тараққиёт даражаси билан белгиланади. Шундай қилиб, Оммавий ахборот воситаларига тегишли конститутциявий меъёрлар ва қонунлар журналистика самарадорлигининг асосий омили ҳисобланади.

Матбуот эркинлиги инсоннинг обрўсига путур етказадиган, шаъни, кадр-қимматни камситадиган, шахсга нисбатан ҳурматсизлик, ёлғончилик каби ғаразли мақсадлар учун фойдаланадиган майдон эмас. Агар ижтимоий мафаатлар ва конститутциявий тамойил топталса, инсоннинг ахлоқий омиллари бузилишига йўл қўйилса, матбуот саҳифаларида адолатли профессионал шарҳнинг (танкид) ўрнини инсон қадрини беобрў қилиш, беандишалик, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик каби салбий иллатлар эгаллайди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, инсоннинг Қуръони шарифда айтилганидек, “олам мехвари” эканлигини ёдда тутмоқ лозим. Демак, сўз эркинлиги суистеъмом қилинмаслиги учун жамиятда плюрализм бўлиши ва у ҳар томонлама таъминланмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг минтақада миллий-этник муносабатлар барқарорлашиши учун амалга оширган ва ошираётган ишлари ўзига хос. Бу бир жиҳаддан минтақа аҳолисининг тенг ярми Ўзбекистонга тўғри келиши билан изоҳланса, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг минтақавий етакчи давлат сифатидаги мавқеининг ошиб бораётганлиги билан ҳам боғлиқ.

Марказий Осиё минтақаси халқлари тарихидан, маданияти ва динидан ҳамда бугунги кундан баҳс этувчи айрим маҳаллий “тадқиқотчилар”нинг сиёсий ҳис-ҳаяжонга берилиб алаҳлашларига, бошқа бир халқни камситиш ҳисобига ўз халқининг устунлик жиҳатларини кўрсатишга бағишланган ижод намуналарининг (гарчи субъектив қарашлари бўлса-да) давлатлар оммавий ахборот воситаларида нашр этилишига ҳукуматлараро келишув асосида чек қўйиш лозим. Шундагина минтақада миллатлараро муносабатларни чигаллаштиришга йўналтирилган ташвиқотлар, инфоматцион иғвогарликларнинг олди маълум даражада олиниши мумкин.

Журналистика фаолияти ҳеч қачон бир давлат доирасида қолиб кетмайди. Фикр ва сўз эркинлиги чегара билмайди. Акс ҳолда, дунё тараққиётдан бебаҳра қолиб, забунликка юз тутган бўлар эди. Айниқса, сўнги йилларда жаҳон ахборот тизимининг глобаллашаётгани, интернетдек халқаро ахборот тармоғининг ривожланиб бораётгани туфайли ахборотнинг тарқатилиши борасидаги ҳар қандай чегаралар йўққа чиқмоқда. Миллий чегаралар ахборотлароқими олдида “шаффофлашиб” қолди. Бу нарса, кўп жиҳатдан, дунёда ахборот оқимининг кучайиши, ахборот тарқатувчи воситаларнинг ривожланиши учун ҳуқуқий асослар, шарт-шароитларнинг яратилганлиги билан боғлиқдир.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, журналистиканинг ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айланиши учун тўртта муҳим ҳуқуқий асос бўлиши керак:

-демократик ва мустаҳкам конститутциявий кафолат ҳамда унинг амалга оширилиши;

-демократик қонунлар ва ҳуқуқий меъёрлар (шу жумладан, ОАВлари иқтисодий эркинлигининг ҳуқуқий кафолати) ҳамда уларнинг амалда ишлаши;

-сиёсий эркинлик шарт-шароитлари, яъни давлат ҳокимиятининг ОАВлари ишига аралашувининг тадқиқи ҳамда ОАВларининг ҳукуматни танқид қилиш ҳуқуқи; -нихоят энг сўнги, лекин энг муҳим асос-мустақил суд ҳокимияти.

Ҳозирги ёшларнинг дунёқарашини, фикрлашини, билимини, қизиқишларини ҳамда изланишларига, истеъдодига қараб эртанги кунимизни кўз олдимизга келтира оламиз. Зеро, ижодкор ёшлар жамият кўрки. “Қандай одамни бахтли санамоқ мумкин?” деган саволга Суқрот: “Ўткир ақл ва теран, ҳалол фикрлар эгаси бахтлидир”, деб жавоб берган экан.

Президентимиз Ислам Каримов 1996 йил 16 февралда Россия оммавий ахборот воситаларининг бир гуруҳ мухбирлари билан бўлиб ўтган суҳбатда: “Бозор муносабатлари Ўзбекистон учун энг асосий йўл эканини, биз учун жаҳон иқтисодиётига қўшилиш ўта муҳимлигини, бунинг учун тинмай меҳнат қилиш, салоҳиятимиздин тўла фойдаланиш зарурлигини англаб кетиш лозим. Одамларнинг тафаккурини шу тариқа ўзгартириш” кераклиги ҳақида гапирган эди. Зеро, матбуот-фикр оламининг ёзма кўриниши бўлиб, у элга фикр улашади. Демак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш учун, аввало, мустақил фикрга эга бўлган, онгли, истеъдодли ёшларини тарбиялаш, уларнинг онгини оммавий ахборот воситалари орқали шакллантириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда истеъдодли ёш журналистларнинг жаҳон мамлакатларида малака ошириши яхши анъанага айланиб бормоқда. 1995 йилда 20 нафар ёш истеъдодли қаламкаш Лондон, Дехли, Бонн, Варшава шаҳарларидаги нашриётларда ишлади. Хорижий ҳамкасблар билан амалий ҳамкорлик яхши натижалар бериши амалда исботланди. 1999 йилда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан журналист кадрлар тайёрлаш сифатини кўтариш мақсадида “Журналистика” ва “Халқаро журналистика” йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш республиканинг учта салоҳиятли университетиде мужассамлаштирилди. Булар: ЎзМУ, ЎзЖТУ ҳамда Қарақалпоқ давлат университети. Бу, ўз навбатида, илмий, илмий-педагогик салоҳиятдан самарали фойдаланиш, янги педагогик технологияларни унумли жорий этиш имкониятини беради.

Президентимизнинг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги Фармонида, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги “Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб мустақил Ватанга ва миллий истиқлол ғояларига садоқатли юқори журналистик иқтидорни намоён этган, фаол жамоатчи, хорижий тилларни яхши биладиган талабалар учун Ўзбекистон Президентининг қўшимча давлат стипендияси таъсис этилди. Маскур қарорга кўра, ижодий имтиҳон қайта тикланди. Чунки билим ва истеъдод бир-бири билан узвий боғлиқ бўлса-да, улар мутлақо бошқа-бошқа нарсалар. Қолаверса, журналистик истеъдод ва қобилият ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Журналистларнинг ихтисослашишига ҳам айнан шу нуқтаи назардан ёндашсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

2000 йилда ЎзМУ Журналистика факультетининг 6 нафар талабаси “Умид” жамғармасининг совриндори бўлиб, АҚШ ва Буюк Британия университетларининг магистратураларида таҳсил олди. 2000 йилда ЎзМУ журналистика факультети кундузги бўлимининг ўзбек гуруҳига ижодий имтиҳон асосида 65 талаба, рус гуруҳига эса 30 талаба қабул қилинди. Сиртқи бўлимда ўқиш

фақат ўзбек тилида олиб борилмоқда. 1999 йилда эса бўлимга 10 нафар, 2000 йилда эса 25 нафар истеъдодли ёшлар қабул қилинди¹.

Мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, “Тараққиётни маънавиятсиз, мустаҳкам мафқурасиз тасаввур қилиш қийин”. Маънавият ва мафқуранинг куч-қудрати эса оммавий ахборот воситаларининг ўзига хослиги, замонавийлиги, одамларга хослиги ва тезкор ахборот бера олиш даражаси билан ўлчанади. Ҳақиқатдан ҳам тараққиёт таъдирини маънавияти етук инсонлар ҳал қилади. Ёшларимизга, иқтидорли зиёлиларга ёрдам бериш керак. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини, аввало, ўзи, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаравонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръати ва самарасини, ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас.

Тарихий манбалар шундан далолат берадики, истеъдод эгаларида илк ёшлик пайтларидаёқ маълум бириқтидор кўникмалари шаклланади. Шу боисдан ҳам кўпинча истеъдодли болалар ёшлигиданоқ ақлий жихатдан бошқалардан ажралиб туриши, ўзгача характер ва хусусиятларга эга бўлиши билан фарқланади. Масалан, америкалик Т. Эдисон газета чоп этиб, унга ўзи материал тайёрлаб, ноширлик қилганида 15 ёшга қадам қўйган эди. Оташин исёнкор шоира Леся Украинка журналда ўзининг биринчи шеърий туркумини нашр эттирганида 13 ёшли қизалоқ бўлган. Ўзбек халқининг бахши шоири Миртемир (Турсунов)нинг биринчи шеъри “Ёш ленинчи” (“Туркистон”) газетаси сифатида пайдо бўлганида 16 ёшда эди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ташаббуси билан талантли ёшларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили республиканинг турли бурчакларида яшаб, ижод қилаётган 30 дан ортиқ ёш шоир ва ёзувчиларнинг китоблари “Истеъдод” туркумида ҳомийлар ҳисобидан чоп этилмоқда. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги бир неча йиллардан бири энг яхши илмий мақолалар бўйича танлов ўтказиб келмоқда. Танлов шартларига кўра, аспирант, докторант ва илмий тадқиқотчиларнинг ҳавола этган мақолалари пухта, изчил, ҳаётий, долзарб бўлиши, уларда педагогика, психология фанининг жиддий муаммолари қаламга олиниши, таҳлил этилиши кўзда тутилди. Ҳозирги пайтда истеъдодларни рўёбга чиқариш учун барча имкониятлар мавжуд. Туманлараро, вилоятлараро ва республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловлар қобилият эгаларига кенг йўл очиб бермоқда. 2000 йил 28-30 март кунлари республика ўқувчилар саройида умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида “Иқтидорли болалар IX республика анжумани” бўлиб ўтди. Анжуманда оммавий ахборот воситалари, жумладан, “Тонг юлдузи”, “Туркистон”, “Класс” газеталари, “Ғунча”, “Гулхан”, “Синфдош” журналлари, “Келажак тонги” радиоэшиттириши, Ўзбекистон телевидениесининг “Умид”, Болалар муҳарриятлари вакиллари билан ўтказилган ўзаро давра суҳбати қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорликда ўқувчиларнинг физика, математика, иқтисодий билим асослари, кимё фанларига бўлган қизиқишларини орттириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, рағбатлантириш ҳамда халқаро олимпиядаларга танлаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида сиртки телевизион олимпияда ташкил этиб, унинг

¹ Ижтимоий фикр. 2002. №1

материаллари “Тонг юлдузи”, “Маърифат” газетаси саҳифаларида мунтазам бериб борилмоқда.

Умуман, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва тарбиялашда, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтиришда қуйидаги методлардан ҳам фойдаланмоқ лозим:

1. “Тафаккур бўрони” методи. Мазкур услуб адабиётларда кўп тилга олинади. Хусусан, ушбу метод ҳақида истеъдодли олим Ботир Қодиров ўз фикрини баён этган. Бир гуруҳ, чилангарлар, олимлар, мутахасислар, ташкилотчиларнинг бирор-бир муаммони ҳал қилиш мақсадида йиғилиши, кўпчилик бўлиб масалани муҳокама этиши, унда ҳар бир иштирокчи ўз фикрини ҳолисона айта олиши, навбат кутмаслиги, рухсат сўрамаслиги, протоколга ёздирмаслиги ўта демократик муҳидни яратади. Бу суҳбат эмас, балки баҳс. Кимдир ниманидир исбот этади, бошқа бири янги фаразни ўртага ташлайди. Уни қўллайдиган ваинкор этадиган кичик гуруҳлар пайдо бўлади, бошқа бир мутахасис ҳар иккала томонни бирлаштирадиган фикри билан янги фараз таклиф этади, унинг ечими ҳар хил талқинни юзага келтиради ва ҳакозо.

2. “Фаолият ўйини”. Бу ўйин “Тафаккур бўрони” методига қўшимча сифатида унга қайси томондандир ўхшаб кеса-да, янги соҳани ўзлаштиришда, тил ўрганишда ва айниқса, тижорат ходимларининг ижодий қобилиятини намоён этишди, тегишли соҳаларда ижодий тафаккур фаолиятини жадаллаштиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Демак, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, матбуотда ишлаётган истеъдодли ёшларни излаб топиш, ўқитиш, тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у мамлакат келажаги ва ривожига бевосита таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Президент асарлари, ҳукумат қарорлари

1. Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислохатларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.- Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.- Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри, Хабарнома, 8-сон (23), 1996.

II. Адабиётлар, рисолалар

6. Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. Т., “Академия”, 2000.
7. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистика тарихи. Т., “Академия”, 2002.
8. Абдуазизова Н.А. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари – Т.: Академия, 2003.
9. Абдуллаев В. Нурли манзил. Т., 1995
10. Ёдгоров Х. Нурли йўл. Т., 1968.
11. Каримов А. Ўзбекистонда телевидение. Т., 1964
12. Мели Жўра. Умрим дафтари. Т., 1970
13. Нишонбоев Т. Windows Word ва Internet тизимларида ишлаш. (ўқув қўлланма). Т., “Академия”, 2002.
14. Рашидова Д.К. “Интернет” журналистикасининг шаклланиши ва интернетнинг глобал ОАВ сифатидаги спецификаси. Фил.ф.н. дис. авт. Т., 2002
15. Рихсиев Б. Тўлқинлар қанотида. Т., 1967
16. Эрназаров Т.. Ўзбекистонда вақтли матбуот. Т., 1954.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Т.: Шарқ, 2000.
18. Ўткир эди қалами (тўплам). Т., 1965.

III. Газета ва журнал мақолалари

19. Ахборотга эга бўлган дунёга эгалик қилади. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2003. №1.
20. Матбуотнинг ёшлар тарбиясига таъсири // Жамият ва бошқарув. 2003. №1
21. Норматов М. Энг сўнгги иқдор. // Халқ сўзи. 2001. 31 март
22. Саидов Акмал. Инсон ҳуқуқлари ва оммавий ахборот воситаларида жамоатчилик фикри. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2002. №3.
23. Собирова М. Терроризмга қаршимиз. // Туркистон. 2001 йил 24 октябрь
24. Султонов Т. Истиқлол умидлари ва матбуот // Жамият ва бошқарув. 2004. №1
25. Тарғиботда сусткашлик бўлмасин. // Жамият ва бошқарув. 2000. №2.
26. Тоҳир Малик. Замоннинг нафаси. // Халқ сўзи. 2001 йил 24 октябрь
27. Қурбонова Н. Ҳаётимизда терроризмга ўрин йўқ // Туркистон. 2001 йил 17 октябрь

28. Ғуломов С., Каримова В. Ижтимоий муҳит ва соғлом маданият // Халқ сўзи. 2000. апрель

29. Ижтимоий фикр. 2002. №1

30. Туркистон. 2001 йил 24 октябрь

31. Халқ сўзи. 1997 йил 27 декабрь

32. Халқ сўзи, 25 сентябрь 2001 йил

33. Ўзбекистон матбуоти. 1996 йил. №4

IV. Интернет сайтлари

34. www.press-service.uz

35. www.uza.uz

36. www.rubricon.ru

М У Н Д А Р И Ж А

РЕЖА.....	
КИРИШ.....	
I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	
1.3. Жамиятни демократиялаштиришда оммавий ахборот воситалари ролининг ортиб бориши.....	
1.4. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихидан.....	
II-БОБ. ОАВ -НИНГ “ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ” СИФАТИДА СИЁСИЙ ҲАЁТ ВА МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ.....	
2.1. Матбуот ва сиёсатшунослик.....	
2.3. Матбуот ва миллий барқарорлик.....	
Хулоса.....	
Тавсиялар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	